


ТАРИХ САБОҚЛАРИ



8



9



ЛАЗЕРЛИ ТЕЛЕВИЗОР

15

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



POSTDA

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 8 апрель, шанба • 14 (3648)-сон

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темура сиймосини эслаши керак.

Ислом КАРИМОВ.



670
ЙИЛ



POSTDA-TV



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

БУЮК САРКАРДАГА ТАЪЗИМ



Буюк аждолларимиздан Амир Темур бобомизнинг халқимиз озодлиги, Ватанимиз тараққиёти йўлида қилган хизматлари биз учун ибрат, намунадир. Ул зотнинг ҳаёти ва фаолиятини қанчалик чуқур ўргансак, шунчалик руҳий озиқа, маънавий куч-қувват оламиз. Яқинда республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги алоҳида милиция батальони ходимлари ана шундай эзгу ниятда Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюришди.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



МУҲИМ МАВЗУДА СЕМИНАР

Тошкент вилояти ИИБ мажлислар залида Жаҳон саломатлиги ва Бутунжаҳон силга қарши кураш кунларига бағишланган «Шахсий таркиб ва махсус контингент орасида сил касаллигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш» мавзуда семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва шифокорлар иштирок эттишди.



ХАЁТ УЧУН ХАРАКАТ:

Кун тартибидagi масала бўйича ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник А. Аминов сўз олиб, бугунги кунда сил касаллиги дунё миқёсидаги муаммага айланиб бораётгани ва бу хасталикнинг олдини олиш учун тизимда амалга оширилаётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида гапирди. ИИБ Санитария-эпидемиология назорати бош маркази бошлиғи, полковник Д. Тўраназаров касалликнинг олдини олиш учун жойларда қандай санитария-гигиена талабларига риоя этиши зарурлигига тўхтади. Тошкент Давлат Тиббиёт академияси кафедра мудири Н. Парписева сил касаллигининг ўтмиши, бугуни ва эртаси хусусида сўз юритди. ИИБ Тиббиёт бошқармаси катта мутахассис-шифокори, лейтенант

Ж. Мухтаров йиғилганларга сил инфекцияси ҳамда резистент сил ҳақида тушунча берди.

Семинар-йиғилиш давомида касаллик билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Му-



тахассислар иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ф. АЗИЗОВ.

Суратларда: семинардан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Эрталаб «Аэропорт-Юнусобод» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 67-автобусга чиқдим. Кимдир ишга, бошқа биров ўқишга бораётти. Автобус саломида ҳайдовчининг: «Хурматли йўловчилар, кунингиз хайрли ўтсин, марҳамат қилиб, йўл ҳақини ўз вақтида тўлашингизни сўраймиз, кейинги бекат Бобур номли бекат», деган овози эшитилди. Ишга шошаётганим сабабли асабларим тарағди. Ҳайдовчининг хушмуомалалик билан айтган бу сўзлари кайфиятимни анча кўтарди. Қани энди шаҳардаги барча жамоат транспорти ҳайдовчилари йўловчиларга ана шу тарзда хизмат кўрсатишса, деган ўй кўнглимдан ўтди.

Бундай ўй-фикр ҳар бир кишининг хаёлини банд қилиши табиий. Чунки миллионлаб ҳамшаҳарларимиз жамоат транспортдан фойдаланишади. Пойтахти-

тириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошқора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стан-

дартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи турганингиздек, пойтахт бекатлари ва шохбекатлар замонавий кўриниш олиб,

пар» бозорига йўл олди. Шундоққина бозор ёнидаги шохбекат одатдагидек одамлар билан гавжум. Нозимхона олдида ҳайдовчи ва чиптачилар йўналиш жадвалини кўздан кечиришмоқда. Шохбекатда озодлик, саришталик сезилиб турибди. Бу эса ҳайдовчи ва йўловчининг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

— Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар айти мурдлао бўлди, — деди М. Аҳмедов. — Унинг ижросини таъминлаш биз, транспортчиларга катта масъулият юклайди. Кўриб

ҳамон кузатилмоқда. Шунингдек, баъзи катталарнинг ўзини тутиши ҳам бундан мустасно эмаслиги ачинарлидир.

Трамвайга сумка кўтарган бир онахон ва ўспирин чиқди. Биз унинг ушбу йўналиш ҳақидаги фикри билан қизиқдик.

— Набирам билан бозорга тушган эдим, — дедилар ўзларини Мухаррам опа деб таништириб. — Илгари трамвайни узоқ кутиб қолардик. Бунинг устига жуда секин юрар эди. Ҳозир манзилга тез элиб кўяпти. Бекатлар ҳам кўркамлашяпти. Аҳолига шундай қулайликлар яратиб бераётган ҳукуматимизга раҳмат...

Учтепа туманининг 26-мавзесида жойлашган шохбекатга борганимизда махсус тамаддихоналар ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўриндиқлар қайта таъмирланипти. Бу ерда йўловчи ва транспортчилар учун барча шароитлар яратилаётгани кўриниб турибди. Шунингдек, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши мутахассисларнинг доимий назоратида. Трамвайларнинг техник ҳолати мунтазам текширувдан ўтказилаётгани йўловчиларни бешикаст манзилига элтишда муҳим омил бўлаёттир.

Ҳа, кейинги пайтда пойтахтнинг турли даҳа ва мавзеларидаги шохбекат, бекатларни ободонлаштириш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашдек хайрли ишларга қўл урилмоқда. Албатта, ҳукуматимиз томонидан бундай имкониятлар яратилаётганидан барчамиз миннатдор бўлишимиз керак. Ҳар бир фуқаро бунинг қадрига етиб, транспортларнинг асраб-авайласа, бекатларнинг тозаллигига эътибор берсанур устига аъло нур бўларди. Зеро, жамоат транспорти — барчамизники. Шунинг учун халқ мулкидан оқиллона фойдаланиш муқаддас бурчимиздир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ. Суратларда: 2-трамвай депоси хизматидан лавҳа.


Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ — БАРЧАМИЗНИКИ

миз эса йилдан-йилга ўзгача чирой очиб, тор кўчалар кенг ва раvon бўлиб бормоқда. Шаҳарнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Аиниқса, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташини хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташини соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб берди. Бинобарин, Фармонда таъкидланганидек, Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаш-

тириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошқора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стан-



ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорт ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий бошқарув харажатларини камайтириш каби вазифалар транспортчилардан катта куч-ғайрат ва масъулият талаб этади.

Жойларда мазкур Фармон ва Қарорлар қай таразда бажарилаётгани билан танишиш мақсадида «Тошкент электротранс» Давлат компаниясига қарашли 2-трамвай депоси бошлиғи Маҳмуд Аҳмедов билан «Отчо-

турганингиздек, пойтахт бекатлари ва шохбекатлар замонавий кўриниш олиб,



обод, кўркам бўлиб бормоқда. Асосий вазифамиз аҳолига намунали хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Ҳамроҳимиз билан «Отчопар-Бешқайрағоч» йўналишидаги 17-трамвайга чиқдик. Салон ичи озода, саришта. Аммо ўриндиқлардан бирида «А+Д=С» деб ўйиб ёзилган ёзувга кўзимиз тушди. Кези келганда шунини айтиш жоизки, айрим ёшлар жамоат транспортдан фойдаланиш маданиятига риоя этмасликлари туфайли ўриндиқларни йиртиш, турли сўзлар ёзиш, pista чақиб, ифлослантириш каби ҳолатлар

ҚЎШАЛОҚ ТАДБИР

Фарғона вилояти ИИБ ўқув марказида ички ишлар идораларига янги қабул қилинган ходимларни Ватанига, касбига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг соҳавий хизматлар бўйича зарур билим ва тажриба орттиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, ўқув марказида ички ишлар ходими бўлиш шарафли, аини пайтда гоят масъулиятли эканлигини ёш ходимлар онгига синдириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги пайтда бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, 20 та ўқув хонаси, спорт зали таъмирланди, замон талаблари асосида жиҳозланди, соҳавий хизматлар йўналишлари бўйича алоҳида ўқув хоналари ташкил этилди. 240 ўринли ёзги ошхона, саф майдони қурилди, 400 ўринга мўлжалланган ётоқхона таъмирланипти.

Яқинда ана шу ўқув даргоҳида тингловчиларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Тингловчилар тадбирда иштирок этаётган ўқитувчи-командирлар таркиби ҳамда ота-оналари олдида ўз бурчларини виждонан ва муносиб бажаришга, фуқа-

роларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этишга сўз бердилар.

Тадбирда кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган ўқув марка-

зи бошлигининг ўринбосари, подполковник Холбек Юсупов, катта ўқитувчилар, подполковниклар Иброҳимжон Мирзаев ҳамда Насимжон Одиловлар тантанали равишда нафақага кузатилдилар.

Шундан сўнг фахрий-



ларга эсдалик совғалари топширилди. Улар кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдириб, ўқув маскани фаолиятини такомиллаштиришда бор билим ва тажрибаларини аямай ёрдам бериб туришга ваъда бердилар.

Ўқув маркази катта инспектори, капитан Тоҳиржон Шокиров раҳбарлигидаги санъаткорлар гуруҳи куй ва қўшиқлар билан тадбирга файз киритди.

Бўрибой ОМОНЗОДА. Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркиби учун маърифат дарси буғал одатдагидан ўзгача бўлди. Машгулот бошқарма мажлислар залида эмас, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи музейида ўтказилди. Улуғ Соҳибқирон, буюк саркарда ва давлат арбобига бағишланган маърифат дарсида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудирини, профессор Омонулла Бўриев қизиқарли маъруза

қилди. Амир Темурнинг ҳаёти, давлатчилик сиёсати, саркардалиқ фаолияти ҳақидаги маъруза тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Халққа, Ватанга муҳаббат уйғотувчи воқеалар баёни, айниқса, қизиқарли бўлди. Машгулот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шахсий таркиб музей экспонатларини томоша қилиб, Соҳибқирон Амир Темур, унинг авлодлари ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Рустам САГАТОВ.



Жиззах вилояти ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни қайд этиш ва назорат қилишнинг «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси»ни татбиқ этиш юзасидан ўқув-семинар машгулотлари бўлиб ўтди.

ЯНГИ АХБОРОТ ТИЗИМИ

Паспорт тизими ходимлари замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хоналарда амалий машгулотларда қатнашишди.



— Илгари вилоят ички ишлар идораларидаги 17та паспорт бўлинмаларида ҳужжатлар расмийлаштирилар эди, — дейди вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ бош-

лиги ўринбосари, катта лейтенант Д. Норчаев. — Бугунги кунда бу ишларнинг барчаси марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бу тизимнинг жорий этилиши тизим ходимлари ва фуқароларга анча қулайлик яратади.

Ички ишлар идораларининг тезкор хизмати базасига компьютерлар тармоғи уланиши қидирув ишлари ва бошқа тадбирларни тезкорлик билан амалга оширишда қўл келмоқда.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.
Суратда: ўқув семинар машгулотидан лавҳа.

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ АНЖУМАН

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ички ишлар, мудофаа ишлари, халқ таълими бошқармалари, прокуратура, миллий хавфсизлик, божхона хизматлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари ташаббуси билан «Аёллар ва ёшлар диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида анжуман ўтказилди. Тадбирни вилоят ҳокими А. Эшматов кириш сўзи билан очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова анжуман иштирокчиларини қутлаб, аёллар ҳамда ёшларни Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчликосойишталигини сақлашга, гиёҳвандлик балосига қарши ҳамкорликда курашишга даъват қилди.

Унда қаратэ бўйича жаҳон чемпионлари, ака-ука Бобур ва Собир Давлатовларнинг онаси Шарофат опа Давлатова, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Эътиқод Отақулова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг эртанги порлоқ истиқболи, энг олий неъмат — тинчликни сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига яқиндан ёрдам бериш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда Ватан, ватанпарварлик, огоҳлик, ўзлигимизни англаш, бегубор ёшлик ва болаликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

С. НОРМУРОДОВ,
майор.

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КўРСАТИЛДИ

Нурмахмад Нейматовни қашқадарёликлар яхши танишади. У вилоят ички ишлар бошқармасида 30 йилдан ортиқ хизмат қилди. Ана шу йиллар давомида катта ҳаётий тажриба мактабини яратиб, кўплаб шоғирдлар етиштирди. Яқинда бошқарма мажлислар залида подполковник Нурмахмад Нейматовни нафақага кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда унинг ҳамкасблари, шоғирдлари ва фарзандлари иштирок этдилар. Шунингдек, вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимида узоқ йиллар ишлаган подполковник Раҳматулла Насриддинов ҳамда капитан Шоназар Эгамбердиевлар ҳам нафақага кузатилди.

Бошқарма раҳбарияти томонидан уларга тўнкийдирилиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Ҳар учала фахрийлар сафига қўшилган ходимлар ўзларига кўрсатилган бундай иззат-икром учун миннатдорчилик билдирдилар.

З. ШЕРНАЕВ,
сержант.

Бугунги кунда оғу инсон саломатлигининг душмани, ақл кушандаси эканлиги барчага маълум. Шу боис ҳам гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш жаҳон миқёсида олиб борилмоқда. Аммо залолат ботқоғига ботган айрим кимсалар учраб турибдики, улар ўзгаларга захри қотил улашишдан тап тортишмаяпти. Бу ҳақда Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Раҳматулла Боймуродов шундай деди:

— Инсон ҳаёти ва келажагига зомин бўлувчи гиёҳвандлик балоси жамиятимизга тобора кенг ёйилишга интилмоқда. Бир неча дақиқа давом этадиган бу сархушликнинг ниҳояси ўлим эканлигини била туриб, гумроҳ инсонлар негадир ажал сиртмоғига бўйинларини тутиб беришмаяпти. Тўғри, у орқали мўмай пул топиб, бойлик орттираётганлар йўқ эмас. Энг ачинарлиси, бу йўлга қираётганларнинг аксарияти ёшлардир. Шунинг учун мазкур иллатга қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари эмас, балки барчанинг вазифасига айданмоғи лозим.

УМР КУШАНДАСИ

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тегишли ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши» деб номланган кенг қамровли тадбир доирасида бир қатор ўқув юртлари, маҳалла ҳамда ташкилотларда учрашувлар ташкил этилиб, иштирокчиларга гиёҳвандликнинг жирканч қиёфаси, унинг

мудҳиш оқибатлари акс эттирилган видеолавҳалар орқали тунунча берилди.

Вилоятимиз Тожикистон ва Туркменистон билан чегарадош. Шунингдек, «Термиз — Тошкент» йўналишидаги катта автомобиль йўли бизнинг

олинди. Шундан 19 кг. 134 грами героиндир.

Шу йил 13 февраль кунини катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасини мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринган Сурхондарё вилояти Денов туманида яшовчи фуқаро Ш. Ақромнинг

ҳаётига раҳна солиши, қолаверса, умрига зомин бўлиши мумкин эди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда мустақил юртимизда соғлом ва баркамол келажак, фаровон ҳаёт-

худуддан ўтган. Бу эса ўта зийрак ва хушёр бўлишимизни талаб этади. Негаки, оғуфурлар гиёҳвандлик воситаларининг аксарият қисмини қўшни республикалардан ҳудудимиз орқали олиб ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Буни яхши англаган ходимларимиз улар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймоқдалар. Амалга оширилган кенг қамровли тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида оғуфурлардан 21,5 кг. дан ортиқ оғу

пинҳоний хатти-ҳаракатига ички ишлар ходимлари томонидан чек қўйилди. У бошқараётган «NEXIA» автомашинаси тўхтайтилиб, «Лесси» лақабли хизмат ити билан текширилганда, автомобилнинг орқа қисми ва чироқларининг қопламалари остига жойланган 11 кг. 693 грамм героин ашёвий далил сифатида олинди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, агар шунча миқдордаги гиёҳвандлик моддаси ушлаб қолинмаганда қанчадан-қанча инсонлар

га эришиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда. Миллат ва сарҳад нима-лигини билмайдиган аср вабосининг илдизига болта уриш барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, унга қарши биргалликда курашсакки-на ҳаётимиз, жамиятимизни оқ ажал сиртмоғидан асраб қоламиз. Соғлом ҳаёт — соғлом турмуш демакдир.

Б. ЭРГАШЕВ
ёзиб олди.

ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

«Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳар». Ана шу гўзал ўхшатишни ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Ҳайратул аброр» асарида бежиз келтирмаган. Зотан, маҳалла — жамиятнинг бир бўлаги, аҳиллик маскани, оилаларни ўзида бирлаштирган ҳудудий бирликдаги жамоа. Илдизи кўҳна тарих томиридан сув ичган ушбу қадим қадриятнинг мозийдан бизгача етиб келгани унинг ўлмас, давомийлигидан нишона эмасми? Тараққиёт кундан-кун ривож топиб, Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган бир пайтда, мазкур гўшалар давр ўзгаришлари талабларига мослашиб борапти.

Шу боис ҳам ички ишлар ходимларининг жамоатчилиги билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш орқали аҳоли ҳуқуқий онги ва фаоллигини ошириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида айнан маҳаллаларга бириктирилиб, милиция таянч пунктлари шу масканларда ташкил этилаётгани яхши натижа бермоқда.

Бухоро шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳаллада тўрт мингдан

зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда 28-милиция таянч пункти жойлашган. Профилактика инспектори, лейтенант Садриддин Раҳимовнинг номини маҳалладагилар фидойи ички ишлар ходими сифатида ҳурмат билан тилга олишади. Фаоллардан у ҳақда илиқ сўзларни эшитгач, фаолияти билан яқиндан танишиш фикри туғилди.

— Ҳамкорликда ҳикмат кўп, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Манзура Шарипова биз билан суҳбатда. — Фаолиятимизда асосан ички ишлар ходимлари кўмагига таянамиз. Фаоллар ва жамоат ташкилотлари вакиллари профилактика инспектори билан баҳамжиҳат ишлашаётгани натижаси ўлароқ фуқаролар

йиғинида олиб борилаётган ишлар самарали кечмоқда. Худуд кенг, учта мактаб, «Бухоро таъмир» корхонаси, поликлиника, «Отчопар» спорт мажмуаси, Мирзо Улугбек номли хийбон, «Ёшлик» болалар кўли профилактика инспектори Садриддин Раҳимовнинг доимий назоратида. Инсонда шижоат бўлса, ҳеч қандай қийинчилик тўсиқ бўлмайди. Маҳаллада бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг исботи бўлса керак.

Таъкидлаш жоизки, мазкур масканда вояга етмаганлар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Болалар дарсдан бўш пайтларида кўпроқ спорт билан шуғулланишлари учун маҳалланинг ўз спорт майдончаси, иккита теннис корти мавжуд. Мактабларда тўгараклар доимий равишда иш олиб боради. Шунинг учун ўсмирлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари кам. Профилактика инспектори улар билан тез-тез боғланиб, турли тadbирлар уюштираяпти. Маҳалла посбони Ражаб Тошев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий маса-

лалар бўйича маслаҳатчи Олима Бердиевалар унинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда иш юритадилар.

Излаганга имкон мўл, дангасага баҳона, дейди доно халқимиз. Маҳалла аҳлининг иш билан бандлигига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралайпти. Хунармандчилик, қасаначилик цехлари очилиб, аёллар ва қизлар иш билан таъминланаяпти. Бунда моҳир чевар Салима Кароматованинг меҳнати айниқса, беқиёс. Айтиш мумкинки, маҳалланинг ҳар бир хонадонидан бугунги кунда чеварлик касбларининг моҳир усталари албатта топилади. Шу боисдан бўлса керак, маҳаллада нотинч оилалар, эр-хотинлар орасидаги кўйди-чиқдилар нисбатан оз. Маҳалла яраштириш комиссияси аъзолари нажот сўраб келган фуқаронинг арзини тинглаб, муаммоларини шу ернинг ўзида ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Утган йили нотинч оилалардан 12 та ариза тушган бўлса, шундан 11 таси яраштириб қўйилди. Бу дегани шунча оила кўрғони сақлаб қолинди.

Профилактика инспектори, лейтенант Садриддин Раҳимов, аввало, ўзига, кейин атрофдагиларга талабчанлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашаётгани учун маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олди олиниб, тинчлик, осойишталик ҳукм сураяпти.

Шахло БАҚОЕВА,
журналист.

ЯХШИ ОДАМЛАР

Боғот туманидаги «Найман» қишлоғи бепойн Қорақум этагида жойлашган. Ушбу гўшада 12 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи ёшлардир.

Қишлоқ ҳудуди катталиги жиҳатдан туманда олдинги ўринлардан бирида туради. Бир томондан Туркменистон, бошқа томондан қўшни Янгиариқ тумани билан чегарадош. Бу ерда ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, рус, татар, белорус каби ўндан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув яшашаяпти.

— Худудимизда еттига маҳалла бўлиб, ҳар бирига энг обрўли кишилар раҳбарлик қилишаяпти, — деди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шомурод Отаназаров. — Улар фаровонликка эришиш, аҳоли тинчлигини таъминлаш борасида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган. Турли маросимлар ҳамжиҳатликда, тўйлар эса ихчам, камчиқим ҳамда исрофгарчиликсиз ўтишига эришмоқдалар.

Ҳафтанинг душанба куни қишлоқ фуқаролар йиғини биносида профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда маҳалла посбонлари иштирокида йиғилиш ўтказилади. Унда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш ҳамда оилалар тотувлиги масалалари кенг муҳокама қилинади. Юзага келган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш чоралари кўрилади. Қишлоқда ҳар йили «Энг намунали маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг ибратли оила» кўрик-танловлари ташкил этилиб, ғолиблар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланмоқдалар. Айни пайтда жойларда Наврўз тантаналари, сумалак сайиллари қизгин давом этаёпти.

Маҳаллаларда тунги гуруҳлар тузилган бўлиб, белгиланган режа асосида иш олиб борилмоқда. Уларнинг асосий вазифаси тунда жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам беришдир. Ҳар куни қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берилади. Бу каби тadbирлар тинчлик, осойишталикни сақлашда муҳим аҳамият касб этаёпти.

Ҳа, қишлоқда амалга оширилаётган хайрли ишлар талайгина. Уларнинг деярли барчасида туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Ражаббой Оллаберганов, профилактика инспектори, катта лейтенант Анвар Аминов ҳамда маҳалла посбонлари сардори Отабек Абдуллаевларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ҳамкорликда олиб борилаётган тadbирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ҳозирда найманликларнинг кайфияти баланд, руҳи тетик. Чунки қишлоқ аҳли тинч, осойишта яшаб, меҳнат қилмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Иштихон тумани ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи томонидан ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

— 2006 йилнинг ўтган даврида, — деди туман ИИБ ҲООБ катта инспектори, майор М. Абдураззоқов, — бошқа хизматлар билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги умумтаълим мактаблари ва коллежларда бўлиб, турли мавзуларда суҳбат ҳамда учрашувлар ташкил этдик. Tadbирларда ўсмирларнинг диний-экстремистик оқимларга кириб кетмаслиги, терроризмга қарши кураш, ёшлар, ўсмирлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши ку-

раш, йўл ҳаракати қоидалари ҳақида гап борди. Туман ҳудудидаги барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда мулоқотлар ўтказаяпти. Ана шундай амалий ишлар натижасида йил бошидан ҳозиргача вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан бирорта ҳам жиноят содир этилгани йўқ.

Айни пайтда ота-оналар масъулиятини ошириш, болаларнинг дарсдан бўш пайтларида бекор юришига йўл қўймаслик мақсадида профилактик ишлар кучайтирилаяпти. Уларни кўпроқ спорт тўгараклари ва фойдали меҳнатга жалб қилиш диққат марказида. Хуллас, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти.

З. ФАЙЗИЕВ.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ ҚОЛИБ

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Пошхурт қишлоғида икки номаълум шахс фуқаро Умар Кулмуродовнинг 600 минг сўм пулини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинишди. Жабрланувчи бу ҳақда тезда шу яқин атрофда жойлашган 67-милиция таянч пункти ички ишлар ходимларига маълум қилди. Профилактика инспектори, катта лейтенант Пўлат Давронов туман ички ишлар бўлимини бу ҳақда хабардор этгач, маҳалла посбонлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Курбон Холиёров билан бирга жиноятчиларни аниқлаш ва уларни қўлга олиш чорасини кўра бошлади.

Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келганда катта лейтенант П. Давронов жиноят ким томонидан содир этилгани ҳақида тахминий маълумотга эга эди. Ушбу тахминлар атрофлича ўрганилгач, жабрланувчининг ҳамқишлоқлари О. Бекпўлат ва Ж. Рустамлар гуманиб туман ИИБга олиб келинди. Аввалига ҳеч нарса билмаймиз, деб турган икки ёш йигит дастлабки тергов жараёнида қилмишларига иқдор бўлдилар.

Шу тариқа профилактика инспекторининг фаол, ҳушёр ва ўз бурчига содиқлиги туфайли жиноят қисқа вақт ичида очилди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
капитан.



АМИР ТЕМУР - БУЮК

САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Чингизийлар ҳукмронлиги даврида халқимиз таланди, унинг ҳақ-ҳуқуқлари топталди. Бир ярим асрлик мустамлакачиликдан сўнг мамлакатимизни мўғуллар истибдодидан озод қилиш, давлатчилигимизни қайта тиклашдек масъулиятли вазифа шавкатли бобокалонимиз Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирхон зиммасига тушди. У боққинчилар ҳужумлари туфайли вайрон этилган шаҳару қишлоқларни, турли иншоотларни қайта тиклади. Ўзаро урушларга барҳам берди, марказлашган давлат барпо этиб, иқтисодийнинг ривожланишига замин яратди. Давлат ишларини қатъий қонун-қондалар асосида юритди. Ўз фаолиятида «Куч — адолатдадир!» шиорига ҳамшиша амал қилди.

Амир Темурни ўрта асрлардаги ўзбек миллий давлатчилигининг асосчиси дейиш мумкин. Унинг давлатида Қурултой қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажарарди. Ижро этиш вазифаси эса вазирлар ва ҳокимлар зиммасига юклатилганди. У суд ҳокимиятини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида мамлакат ва раиат ишлари бўйича қозилик, лашкар қозилиги ва аҳдос қозиликлари таъсис этилди.

Давлат арбоби сифатида бошқарув тизимида тартиб-интизомни, қонунийликни мустаҳкамлаш, савдо-сотиқ, деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамшиша унинг диққат марказида бўлди. Маҳаллий ҳокимият ҳам тараққий топди. Вилоятларда солиқ йиғиш, жамоат тартибини сақлаш, бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, суғориш тармоқлари аҳволига масъул бўлган идоралар — девонлар фаолият кўрсатган.

Буюк бобомиз ўзини етук қонуншунос сифатида ҳам намоён этган. У давлат бошқарувининг Асосий қонуни — «Темур тузуқлари»ни яратди. Ушбу ҳужжатда жамиятдаги мавжуд тоифаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мамлакатни илора этиш қоидалари баён этилган эди. Темур давлатида олиб борилган солиқ сиёсати ҳам эътиборга моликдир. «Солиқлар йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг бекувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади...», — дейилади тузуқларда.

Амир Темур давлат, жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни Кенгашда бамаънаҳад ҳал қилган. Кенгаш ишида йирик давлат

арбоблари, саркардалар, Темурнинг ўғиллари, набиралари, саййидлар, шайхлар, уламолар иштирок этишган. Унинг обдончилиги борасидаги ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Улуғ бобокалонимиз нафақат Самарқандда, балки яна кўплаб шаҳарларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориш бўйича кўрсатмалар берган. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий, В. Бартольднинг тарихий китобларида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирилган. Жумладан, унинг Бағдод шаҳрини тиклаш, Қарши ва Кешда мудоффа девори барпо этиш, халқ ҳаётини яхшилаш мақсадида сув омборлари, тўғонлар бунёд этиш, ариқлар қазिश, янги ерларни ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида таъкидланган.

Соҳибқироннинг илмфан, маънавият аҳлига ғамхўрлиги тўғрисида тарихчи Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалого иззат-ҳурмат кўрсатган».

«Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалого иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату иқромини унга изҳор қиларди».

тиб, уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату иқромини унга изҳор қиларди». У риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, муסיқа каби соҳаларнинг ривожига ҳомийлик қилди.

Ташқи сиёсат бобида ҳам узоқни кўриб иш тутган. Аниқса, савдо-сотиқ мамлакатлар ўртасида муносабатларни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, юрт тараққиётига хизмат қилишини яхши билган. У Византия, Испания, Франция, Англия каби қатор Европа давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган.

Амир Темурнинг буюк лашкарбоши, моҳир ҳарбий ташкилотчи сифатида истиснодига бутун дунё тан беради. У темир интизом-

ли армия тузиш чоғида ўша даврдаги ҳарб илми ютуқларидан ижобий фойдаланди. Бундан ташқари ўзи кўшинлар тузилишига, тактикасига кўплаб янгиликлар киритди. Бу, аввало, мунтазам армия ташкил этишда кўзга ташланади. У Шарқда биринчилардан бўлиб ўт сочар қуроллар, яъни тўплардан фойдалана бошлади. Тоғли ҳудудларда жанг қилувчи маҳсуус бўлинмалар ташкил этади.

Ҳарбий қисмлар бири-бирдан кийим-боши, байроғи (туғи) билан фарқланган. Бу жанг чоғида

Барча огоҳлантиришларга қарамай экспедиция аъзолари соҳибқироннинг тобутини очишади. Эртаси тонготарда эса... уруш бошланади.

кўшинни бошқаришда жуда қўл келган. Ғаниминг мудофасини енгиб ўтишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Қўққисдан ҳужум қилиш, узоқ вақт камал қилиш, ёв кучларининг иложи борича кўп сонли қисмини қуршаб олиш шулар жумласидандир.

Темур кўшинларида разведка хизмати ниҳоятда юқори даражада ташкил этилган. Жанг пайтида қисмларни тезкор бошқаришга алоҳида эътибор берилган. Лашкарбошилик салоҳиятига эга бўлган шахсларнинг тўғри танланганлиги кўпинча ғалабанинг гарови бўлган.

Отлиқ кўшинлар Амир Темур армиясининг илгор қисми ҳисобланган. Улар оғир ва енгил қуролланган суворийлар гуруҳларига бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил қуролланган суворийлар разведка ва соқчилик бўлинмаларида хизмат қилган. Дубулға, зирх (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон, найза билан қуролланган сара отлиқлар душманнинг асосий ҳужумини қайтариши лозим бўлган, жанг тақдирини ҳал қилишда етакчи роль ўйнаган.

Кўшин тортиш арафасида Амир Темур вазирлар, саркардалар, беклар, амирлар иштирокида машварат, яъни ҳарбий кенгаш ўтказган. Турли вилоят ва туманлардан кўшин тўплаш ҳақидаги фармон қўмондоннинг адыютанти — тавачи томонидан зудлик билан жойларга етказилган. Армиянинг озик-овқат таъминоти алоҳида аҳамиятга эга эди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибқирон Дашти Қипчоққа юриш олдидан кўшинни бир йиллик қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар

анжомлари билан таъминлаш ҳақида буюрқ берган.

Соҳибқирон ҳужум қилиш олдидан душманнинг ҳарбий кучлари, мудоффа иншоотлари, ички вазият ҳақида ҳар томонлама тўлиқ маълумот тўплаш учун рақиб юртига кетма-кет ўз айғоқчиларини юбориб турган. Зарур миқдорда кўшин тўплангач, ҳарбий кўрик ўтказилган. Бунда нафақат асосий жанговар қисмлар, балки захирадаги бўлинмалар ҳам текшириб кўрилган.

Амир Темур ғанимга қўққисдан кучли зарба бериш усули билан аниқса, донг таратган эди. Душман қароргоҳи аниқлангач, у ерга қутилмаган ёки ўтиш қийин бўлган томондан ҳужум қиларди.

Кўшин дам олиш учун тўхтаганида, агарофини жанговар аравалар билан ўраб, соқчилар қўйишган. Душман аскарлари кўриниши билан бўлинмалар дарҳол жанговар ҳолатга келтирилган. Юриш ёки жанг чоғида тартибсизлик, бебошликка йўл қўймастик учун ҳар бир қисм, гуруҳ ва бўлинманинг ўз паролли бўлган.

Жанг майдонини танлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Унинг текис, кенг ва кўшинлар жойлашиши учун қулай, ичимлик суви манбаига яқин бўлиши лозимлиги ҳисобга олинган. Шунингдек, қуёш нурунинг жангчилар кўзига тушмаслигига ҳаракат қилинган.

Кўпинча душманни алдаб жанг майдонига олиб кириш учун Темур кўшинлари ўзларини кучсиз қилиб кўрсатган. Мазкур ҳарбий ҳийла аксар ҳолларда қўл келган. Масалан, Ҳиндистон ҳукмдори Султон Маҳмуд кўшинлари шу тарихқа тор-мор келтирилган.

Забт этилган қалъа, шаҳар ёки вилоятларнинг ҳарбийлар томонидан ўзбошимчилик билан таланиши қатъийан тақиқланган. Бундай қилмишни содир этган шахс ким бўлишидан қатъий назар жазоланган. Соҳибқирон бирор жойни қанча вақт ичида забт этиш мумкинлигини олдидан ҳисоб-китоб қилган. Сўнг саркардалардан ана шу муддат ичида бу жанговар топшириқни бажаришларини талаб этган. Унинг моҳир саркардалик истисноди яна шунда намоён бўладики, бир неча бор кам сонли кўшин билан кўп сонли ғаним лашкарларига қарши қўрқмасдан жанг қилган.

Амир Темур ўз фаолиятида тасаввуф салафлари мададида, маънавиятига ҳам таянган. Жумладан, Саид Баракани ўзига пир деб билган. Айтишларича, ул ҳазрат кўп қароматлар соҳиби бўлган. Соҳибқирон Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамышхон устига юриш қилганида, аввалига ома-

ди қулиб боқавермаган. Шунда Саид Барака ердан бир ҳовуч майда шағал олиб, душман кўшини тарафга отиб: «Ёғий қочди!» деган. Ҳақиқатан ҳам шундан сўнг Темурнинг қўли баланд келиб, ғалаба қозонади.

Улуғ инсонлар, аниқса, буюк саркардаларнинг руҳини безовта қилиш турли фожиаларга сабаб бўлади, дейишади. 1941 йил июнь ойида собиқ шўро ҳукуматининг қарорига кўра Гўри Амир мақбарасида олиб борилган қазилма ишларининг оқибати бунинг исботидир.

Академик Қори Ниёзий бошчилигидаги экспедиция аъзолари 21 июнь куни Амир Темур қабрини очишга киришишади. Аввалига оғир мрамор плиталарни кўтарувчи қуримла — лебёдка бузилиб қолади. Кўп ўтмай чироқ ўчади. Ҳамманинг нафаси бўғилди. Ҳаво олгани ташқарига чиқишади. Қазилма ишларини оператор сифатида суратга олаётган Малик Қаюмов чорпоёда чой-хўрлик қилиб ўтирган чолларнинг ёнига чой ичгани боради. Қариялар М. Қаюмовга: «Буюк саркардаларнинг руҳини безовта қилиб бўлмайди. Акс ҳолда уруш бошланади. Ишонманг, мана — ўқиб кўр», — деб араб ёзувида битилган бир китоб кўрсатишади. У китобни ўқиб кўриб, гуруҳ аъзоларининг олдида келиб, бўлган гапни айтиб беради. Улар чоллар билан ўзлари гаплашиб, ҳалиги китобни ўқиб кўриб ҳам қарорларидан қайтишмай-

ди. Бундан ранжиган чоллар ўрниларидан туриб, кўча муволишига борган, сирли равишда кўздан гойиб бўлишади.

Экспедиция аъзолари яна ишларини давом эттиришади. Ниҳоят, қабр устидаги мрамор тошни кўчиришади. Тобут устида ҳам «Ҳаммамиз ҳам фанийимиз. Кимки кибрга берилса ёки ўтганлар руҳини безовта қилса, лаянатга учрайди», — деган мазмунда огоҳлантириш сўзлари битилганлигига гувоҳ бўлишади. Шунга қарамай тобутни очишади. Соҳибқироннинг тана қолдиқларини қўлларига олиб, кўздан кечирришади. Эртасига тонготарда эса... уруш бошланади.

Энди бу ёғига диққат қилинг. Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо ва Мирзо Улуғбекларнинг тана қолдиқлари Москвага жўнатилади. То улар 1942 йил декабрида қайта Гўри Амир мақбарасига дафн этилгунча уруш собиқ Иттифок учун ҳалокатли кечади. Фақат марҳумлар руҳи ором топгачгина, Сталинград остоналарида шўро кўшинлари ғалабага эриша бошлашади...

Ҳа, Амир Темур каби жаҳонни титратган, айни пайтда адолат ила иш юритган буюк инсонлар руҳини безовта қилиб бўлмайди. Улуғ ишларга чоғланган халқимизга, юртимизга ҳамшиша Аллоҳ ёр, Соҳибқирон бобомиз сингари буюк аждодларимиз руҳи мададкор бўлсин!

Азиз ЭРНАЗАРОВ.



Собиқ шўролар Иттифоқида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг турли кўринишларда бузилиши, динга эътиқод қилган шахсларнинг таъқиб қилиниши оқибатида фуқароларда яширин тарзда диний таълим олиш, унинг амалларини бажаришга қизиқиш ортган.

Ўзбекистон халқининг турмуш тарзидаги диний эътиқод, урф-одатлар ҳамда ақидаларга мойилликлари ва бошқа хусусиятлари 1970-1980 йилларданоқ халқаро диний экстремистик ташкилотлар диққат-эътиборини тортган.

Жаҳонда фаолият кўрсатаётган бир қатор диний-экстремист ва террорчилик ташкилотлари раҳбарларининг китоблари ислом дунёқарашларини ёйиш шиори остида, ўта хуфиёна йўллар билан республикамизга олиб келиниб тарқатилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Абдували Мирзаев ва унинг маслакдошлари Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиёв, Абдурашид

Қосимов, Ҳафизилло Носиров, Ақром Йўлдошев ва бошқалар ўтиш даврининг қийин шароитидан, халқимизнинг динга эътиқоди кучлилиги ва диний урф-одатлар ҳамда ақидаларга мойил эканликларидан ўзларининг Конституцион тузумни ағдариб, ҳокимиятни қўлга олиб, ислом давлатини барпо этиш каби гараз ниятларини амалга оширишда фойдаланишди. Улар 1991-1996 йилларда Фарғона водийсида “Адолат”, “Одамийлик ва инсонпарварлик” “Таблиц”, “Ўзбекистон Исломи ҳаракати”, “Ҳизб-ут таҳрир” ва “Ақромийлар” каби диний ақидапарастлик норасмий ташкилотларнинг бўлимларини ташкил этганлар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика худудида диний ниқоб остида турли йўналишдаги норасмий ташкилот ва партиялар чет эллардаги раҳнамо ва ҳомийларининг молиявий ҳамда ғоявий ёрдамида ғайриқонуний тарзда фаолият кўрсатганлар. Шулардан бири “Ҳизб-ут таҳрир” диний-экстремистик партиясининг аъзоси Ақром Йўлдошев асос солган “Ақромийлар” ташкилоти эди. Бу ғайриқонуний ташкилот ислом уммати яхши яшаши учун ягона ислом давлатини тузиш, дунёдаги бу динга эътиқод қилувчи барча мамлакатлар сўзсиз

бирлашишлари зарурлигини тарғиб қилади. Бунинг учун ислом умматида биринчи навбатда реакция ақидапарастлик ғояларига асосланган мафкура одамларни тарбиялаш, иймонга, яъни ишонч ва эътиқодга эътиборни

қўшни давлатларнинг худудларини бирлаштириб, халифалик бошқарувидаги давлатини тузиш каби хомхаёл назарияни ишлаб чиқди.

2005 йилнинг 13 май кунига ўтар кечаси Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари таҳлил қилинганда, бу ташкилотнинг диний ниқоб остида сиёсий мақсадларни кўзлаб қуролли тўқнашув ва қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширгани, Фарғона водийсида исломий давлат бошқарувини ташкил этишга ҳаракат қилингани аён бўлди.

2005 йилнинг май ойи бошларида “Ақромийлар”нинг бир гуруҳи Андижон вилояти Миллий хавфсизлик хизмати

ҳаракатларининг тафсилотлари “Ақромийлар” диний экстремистик партияси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартириш, ҳокимиятни босиб олиб, қонуний равишда сайланган, тайинланган ҳокимият вакилларини четлатиб, ҳокимиятни босиб олиш учун фитна уюштирган, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Бу фактлар “Ақромийлар” ташкилоти жиноий мақсадларни кўзлаб фаолият кўрсатувчи террорчи ташкилот эканлигини кўрсатади.

«Ақромийлар» ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини ҳақиқий аъзо бўлмаган-

ёки улардан илм олишни умуман ўзларига эп кўрмайдилар.

Диний экстремизм ғояларининг Ўзбекистонда пайдо бўлиши ва тарқалиши сабабларини дунё ҳамда минтақада рўй берган ҳодисалардан ажратиб олинган ҳолда ўрганиш ҳеч қандай муваффақиятга олиб келмаслиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат — аксиомадир. Ўзбекистонда диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига сабаб бўлган бир қанча ташқи ва ички омилларни қайд этиш мумкин. Биринчи ва энг асосий сабаблардан бири, бу дин ниқоби остида ҳокимиятни қўлга олишга интилиш. Иккинчидан, ушбу жиноятларни содир

этаётган шахсларнинг диний таълимотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслиги, уларнинг онгига айрим кимсалар томонидан умуман динга ёт бўлган ғоялар сингдирилиши. Учинчи-

«АҚРОМИЙЛАР» КИМЛАР?

УЛАРНИНГ МАҚСАДИ НИМА ЭДИ?

қаратиб, кишилар онгини бошқариш орқали мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Республикада ўтиш жараёнини бошидан кечириётган халқни ўз мафкурасига эргаштиришда биринчи навбатда пулдор одамлар орқали тезроқ ижобий натижага эришишни эътиборга олиб, А. Йўлдошев бу ҳаракатларини беш босқичга бўлади. Юзаки қараганда, мазкур ташкилот фақат илмий-маърифий ниятда фаолият кўрсатади, деган фикр пайдо бўлса-да, лекин бу ниқоб остида бевосита амалдаги давлат бошқарувини конституцияга хилоф равишда ўзгартириб, ислом давлатини қуриш мақсади яширин.

“Ақромийлар” “Ҳизб-ут таҳрир ал-Исломи” партиясининг сўл оқими ҳисобланади. Партиянинг фаолият кўрсатиш усули ва тамойиллари бири-бирдан фарқ қилмайди. “Ҳизб-ут таҳрир” партиясининг бутун дунёда ягона ислом давлатини тузиш ва халифалик бошқарувини жорий қилиш ҳақидаги ғоя Ақром Йўлдошев томонидан қайта шарҳланди, холос.

У мазкур ғояни Ўзбекистон халқининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, аксарият аҳоли ислом динига эътиқод қилувчи Фарғона водийси ва унинг атрофидаги

томонидан тергов қилиниб, суд жараёни давом этаётганидан фойдаланиб, шу суд жараёнига норозилик намойишларини ташкил этиш ниқоби остида Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти, Фарғона вилояти ва қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш, Жалолобод вилоятларидан ўзларининг издошларини Андижон шаҳрига аста-секинлик билан жамлай бошлайдилар.

Вилоятга кириб келаятган ақромийларни раҳбарлари уч табақага бўлишган. Биринчи навбатда бошқарувчилар (улар бошқалардан ажралиб туришлари учун қора рангли, майда оқ йўлли костюм-шим кийишган), ижрочилар (спорт костюмлари, баъзиларида “баркамол авлод” деган ёзувлари мавжуд) ва ниҳоят назоратчиларни белгилашган. Бошқарувчиларнинг вазифаси ғалаённи бошқариш, қурол тарқатиш, қўлга олинган асирлар ва гаровга олинганларни таҳқирлаш орқали ҳокимиятга ишончсизлик ва нафрат уйғотиб, намойишкорона жазолашдан иборат эди. Назоратчилар оломон ичидаги иккиланувчиларни аниқлаб, уларни зарарсизлантириши, ниҳоят ижрочилар эса оломонни бошқаришлари белгилаб олинган.

Андижонда содир этилган қўпоровчилик

лардан сир тутадилар. Янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ деб билганлари боис, сингдириляётган фикрларга кўникиб бораверадилар. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа диний ақидапарастларникидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланади. «Ақромийлар»нинг бу тамойилига кўра, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш, ислом давлати қуриш каби гапларни айтиш шарт эмас, балки “ҳаётдаги барча муаммоларнинг ечими қуръон ва ҳадисда” деб ўқтирилса бас, бу фикрдан “тўғри” хулосани одамлар ўзлари чиқариб олишларига бироз “ёрдамлашиб юборилса” етарли, деб ҳисоблашади.

Улар янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлса-да, ҳақиқий “биродарлар жамоаси” муҳитининг “тўзал” жиҳатларини ўқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Барча мутаассиб ақидапарастлар қатори ақромийларнинг ҳам фожиаси шундаки, улар аҳли сунна вал жамоа эътиқоди асосида кундалиқ ибодат ва диний турмуш тарзида яшаб келаятганларни “ҳақиқий мусулмон” деб ҳисобламайдилар, дин аҳллари билан маслаҳатлашиш

дан, ўтиш даврида ҳар бир давлатда мавжуд бўладиган турли хил объектив ва субъектив омилларни келтириб ўтиш мумкин. Зотан, улар ушбу иллатларнинг юзага келишига тўғридан-тўғри сабаб бўлмаса-да, лекин ривожланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сўнгги ўн йил ичида диний ақидапарастлар томонидан содир этилган жиноятлар билан ҳақиқий диний эътиқод ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, диний эътиқоди мустаҳкам инсон доимо изланишда бўлади ва ўзининг билими, одоби, ахлоқи билан эзгулик таратади, атрофидагиларни покликка ундайди, тинчликни ўзи учун энг азиз неъмат деб билади.

Марказий Осиёнинг жаҳон геосиёсий майдо-нидаги мавқеи ортиб бораётган бир пайтда диний ниқоб қилиб олган ғаламислардан юртимизни ҳимоя қилиш, соф ислом таълимотига хос қадриятларни асраб-авайлаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, қадимий муштарак анъаналарни ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолади.

А. ЗАКУРЛАЕВ,
ИИБ Тергов Бош
бошқармасининг ўта муҳим
ишлар бўйича қатта
терговчиси, полковник.

ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ: ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Аввал хабар берганимиздек, республика ИИВ Академиясида «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиши: тартиби ва муаммолари» мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ва уни бажаришда дуч келинадиган муаммолар бўйича сенаторлар, депутатлар, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, судьялар, адвокатлар, прокурор ҳамда терговчилар ўзаро фикр алмашдилар. Таъбирни ИИВ Академияси доценти, юридик фанлари номзоди А. Раҳмонкулов олиб борди.

— Президентимизнинг ушбу Фармони мамлакатимизда давом этаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг амалий натижаларидан бири деб эътироф этилаётгани бежиз эмас, — деди у. — Ҳаётимизга чуқур сингиб кетган тартиб, яъни санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судга ўтказиш жўн иш эмас, албатта. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида шакланган мезонлар тизимини, фуқаролар руҳиятини, прокурор, суд ва терговчининг суддаги ўрнини янги бир ҳолатга мослаштириш мушкул вазифа. Уни амалга ошириш психологик, ижтимоий ва касбий нуқтаи назардан мураккабдир. Бу жараён халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга оид тегишли таклифларни инobatта олиш билан янада чуқурлашиб, ўз навбатида халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка жорий қилиш механизминини ишлаб чиқишни тақозо этади. Биз мутахассис сифатида амалиётда дуч келинадиган ҳолатлар, муаммоларни чуқур англаб, тегишли таклифлар беришимиз лозим.

Э. Норбўтаев, ИИВ Академияси профессори, юридик фанлар доктори:

— Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш жиноят иши бўйича иштирок этувчи субъектларнинг процессуал мақомини янгилаш билан боғлиқ муаммони келтириб чиқаради. Биринчидан, шахс ушланган пайдан бошлаб уни процессуал мажбурулов чорасини қўллаш учун судьяга олиб келгунча қанча вақт ўтиши керак? Иккинчидан, кечкурун (тунда) ёки дам олиш кунлари ушланган шахсни судьяга олиб келиш ва сақлаб туриш тартиби қандай бўлиши лозим? Учунчидан, шахсни ушлаш ва дастлабки (бирламчи) материалларни тайёрлаб, судьяга олиб келиш ҳуқуқига ким эга бўлади? Тўртинчидан, суд берган санкцияга ёки у томонидан санкция беришга норозилик билдирилса, шикоят қилиш ҳуқуқига эга шахслар қандай йўл тутшади? Бешинчидан, суд томонидан санкция берилган шахсни ушлаш давомийлиги қандай бўлиши зарур? Олтинчидан, санкция бериш масаласини ҳал этиш жараёнида ҳимоячининг иштироки қандай? Тайёрланаётган қонунда ана шу муаммолар ўз ечимини топиши зарур, деб ҳисоблайман.

Б. Акромхўжаев, ИИВ Академияси доценти, юридик фанлар номзоди:

— Мазкур Фармон жиноят процессуал муносабатларда янги ҳуқуқий механизм ишлаб чиқишини талаб этади. Янги ҳуқуқий механизмнинг қандай бўлиши ҳақидаги фикрларини билиш учун суд, прокуратура, адвокатура ва ички ишлар тизими терговчиларидан бир гуруҳига анкета тарқатдик. Унда прокуратурадан судларга қамоққа олиш тўғрисидаги санкцияни бериш ваколатини ўтказишига қандай муносабатдасиз; терговда шахсга нисбатан қамоққа олиш чорасини қўллаш масаласини ечишда прокурорнинг иштирокини олиб ташлаш керакми; тинтув, хат-хабарларни жойлаш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва прокурорнинг санкцияси мажбур бўлган тергов ҳаракатлари бўйича мазкур санкцияни судга бериш масаласи шу йўсинда ҳал бўлишига қандай қарайсиз каби саволлар ўрин олган эди.

Берилган жавоблардан келиб чиқиб қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш механизминини маъқуллайдиган бўлсак, дастлабки терговда учта асосий, яъни суд, прокурор ва тергов бошлигининг идоровий процессуал назорати вужудга келди.

Ф. Абдумажидов, Тошкент давлат Юридик институти профессори, юридик фанлар доктори:



— Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш жаҳон ҳуқуқшунослигида янгилик эмас. Ҳозирги кунда дунёнинг юздан ортиқ давлатида судларга ана шундай ҳуқуқ берилган. Санкцияни прокурор берадими ёки судьями, аввало, инсон ҳуқуқи поймол

бўлмаслиги керак. Мадомики, биз ҳам ривожланган давлатлардаги амалиётга ўтар эканмиз, шахс даҳлсизлиги биринчи ўринда бўлиши керак. Президентимиз Фармонидан кўзланган мақсаднинг асоси ҳам шунга қаратилган. Ҳозирда амалиётда учраб турадиган камчиликларга йўл очиб бермайдиган пишиқ, пухта, мукамал қонунлар ишлаб чиқиши лозим. Ўзбекистон бир неча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чеккан. Қабул қилинадиган қарор, қонунларда халқаро ҳуқуқий нормалар акс этиши, унга риоя этилган бўлиши керак.

Айримлар ҳанузгача қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судга олиб бериладими ёки прокуратурада қоладими, деган ҳаёлда юрибди. Ривожланган мамлакатларда бир неча ўн йиллардан бери бу ҳуқуқ судлар томонидан амалга ошириб келинаётгани ва ижобий натижалар бераётганини амалда кўриб турибмиз.

Эркин Абзалов, республика Бош прокуратураси ўқув маркази директори, юридик фанлар номзоди:

— Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони 2008 йил 1 январдан амалга кириши керак. Вақт эса ўтиб боряпти. Биз аниқ таклифлар киритиб, белгиланган муддатгача ижроси таъминланишига тайёр бўлишимиз керак. Менимча биринчи талда судьяларни ушбу жараёнга тайёрлаш лозим. Чунки шу пайтгача улар гумонланувчи ёки айбланувчини қамоққа олишга санкция беришда иштирок этишмаган. Шунинг учун судьяларнинг ўқувини ташкил этиш, бу борада прокурорларнинг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиш лозим. Ҳозирги кунда амалда қамоққа олиш учун санкция берилган гумонланувчиларнинг бир қисми айб-

санкция беришда иштирок этишмаган. Шунинг учун судьяларнинг ўқувини ташкил этиш, бу борада прокурорларнинг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиш лозим. Ҳозирги кунда амалда қамоққа олиш учун санкция берилган гумонланувчиларнинг бир қисми айб-

Р. Маҳмудова, республика Олий суди судьяси:

— Суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги суд ваколатларини кенгайтириш бу борада жиноят-процессуал қонунчиликка зарур қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Президентимиз Фармонида ифода этилган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига тўғри ке-



лади. Мазкур моддада кўрсатиб ўтилганидек, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Бу қоида халқаро ҳуқуқда тан олинган ва дунёдаги турли ҳуқуқ тизимларида ривожлантирилган. Чунки суд идоровий манфаатлар, тарафларнинг истакларидан холи, жиноий таъқиб ва ҳимоялаш нуқтаи назаридан беғараз, холис, мустақил маҳкама экани боис, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ваколатига эга ягона давлат ҳокимият органидир.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий судида бир қатор қонун ва қарорларнинг лойиҳалари тайёрланапти. Бугунги давра суҳбати давомида айтилган фикрлар ҳам инobatта олинди, албатта.

Г. Ишанханова, Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раиси:

— Қамоққа олишга санкция бериш судларга ўтказилиши муносабати билан амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши табиий. Давра суҳбати мавзидан келиб чиқиб, қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга берилганда судгача ва суд жараёнида иштирок этувчиларнинг процессуал мақомида қандай ўзгаришлар бўлиши кераклиги кўпчиликни қизиқтиради. Аввало, биз амалдаги миллий қонунчиликнинг ўзгартиришлар киритишда халқаро стандартларга, жумладан, Халқаро Пакт қоидаларига амал қилишимиз керак. Шу жиҳатдан олганда бошқа дав-

латлар тажрибасини ўрганиш фойдалан холи эмас. Масалан, Россия Федерациясининг 2001 йил 1 июлдан кучга кирган Жиноят-процессуал кодексини олиш мумкин. Унда қайд этилган айрим қоидалар қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишда дуч келинаётган баъзи муаммолар ечимида қўл келади.

Гумонланувчи ёки айбланувчини ушлаб туриш муддатини қисқартириш инсон



ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир кўринишидир. Албатта, шахс даҳлсизлигини инobatта олиб, ушлаб туриш муддати 96 соатдан ошмаслиги керак. Бу борада Германия, АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари амалиётни қўл келади, деб ўйлайман.

Н. Ҳайдаров, республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти докторанти, юридик фанлар номзоди:

— Қамоққа олиш ваколати судларга ўтказилгач, табиийки, суд идораларида иш ҳажми ошади. Шунинг учун айни кунларда қишлоқ туманлари ҳудудидаги яқка тартибда фаолият юритувчи (яъни ҳам судья, ҳам суд раиси сифатида фаолият юритувчи) суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва шгат бирликларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, қишлоқ тумани ҳудудидаги яқка тартибда фаолият юритувчи суд раиси дастлаб гумон қилинувчини ушлашга руҳсат беради, алоҳида ҳолларда унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллади. Кейинчалик айбланувчига қамоққа олишга санкция бериб, шундан сўнг ушбу жиноят ишини ўзи мазмунан ҳал этиши мақсадга мос эмас. Судлар тизимини ихтисослаштириш масаласини ҳал этиш лозим. Бунда маъмурий жавобгарлик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноий ишлар бўйича судьялар таркибини бир-биридан ажратиб, маъмурий жавобгарлик ишларини кўриб ҳал қиладиган ихтисосли судьялар тизимини яратиш зарур.


Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш жаҳон ҳуқуқшунослигида янгилик эмас.

Шу ўринда айрим саволлар туғилади. Судларга фақат қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи бериладими ёки бошқа эҳтиёт чораларини ташлаш ҳамми? Суд шахсни қамоққа олишга санкция берса, келгусида ишни судда кўрилишида шу шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқара оладими? Суд қамоққа олишда нималарга асосланиши лозим? Қонунларга ўзгартириш киритилаётганда ана шу саволлар ойдинлаштирилиши керак.

Давра суҳбатида яна бир қатор мутахассислар ўз фикр, мулоҳазаларини билдириб, таклифлар киритдилар. Таъбир охирида А. Раҳмонкулов иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари лойиҳаси тайёрланаётган қонунларда инobatта олининиши таъкидлади.

Садриддин ШАМИДДИНОВ ёзиб олди. Суратларда: давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ВАТАНДАН ЙИРОҚДА...



Андижон воқеаларида иштирок этиб, энди бегона юртларда, мусофирчиликда сарсон бўлиб юрган бир гуруҳ андижонликлар гўзал ўлкага, ажойиб халққа хиёнат қилишди. Айрим халқаро ташкилотларнинг қарорига кўра уларни турли мамлакатларга тарқатиб юборишяпти. БМТ ходимларидан бирининг сўзларига қараганда, бундан мақсад «қочоқлар»ни қабул қилишга тайёр эканликларини билдирган мамлакатлар ўртасида масъулиятни тақсимлаш экан. Ўзга юртдан бошпана топганлар Ватандан, туғишганларидан йироқда ўзларини бахтли ҳис этишармикан?

Бегона мамлакатларда роҳат-фароғат излаб юрганлар халқимизнинг «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл» деган доно нақлини бир эсга олиб қўйсинлар.

Акмал ҲОЗИЕВ,
истефодаги подполковник.

Андижон воқеалари халқимиз қалбида оғриқли из қолдирди. Ҳадемай ўша воқеаларга бир йил тўлади. Қонли фожиага гувоҳ бўлганлар, тақдир тақозоси билан ўша даҳшатни бошидан ўтказганлар кўрган-кечирганларини ҳеч қачон унутмасалар керак.

Ҳарбий хизматчи Д. Усубалиевнинг сўзларига қараганда, 13 майга ўтар кечаси Қирғизистон томондан элликка яқин қуролланган кимсалар Хўжаобод туманининг Туробод қишлоғига бостириб киришади. Кутилмаганда Д. Усубалиев ва унинг хизматдошларига ҳужум қилишади. Аскарларни шафқатсизларча калтаклаб, вилоят ҳокимлиги биноси ёнига олиб келишади. Эртаси кун кечкурунча қўл-оёқларини боғлаб, шу ерда сақлашади. Ҳарбийлардан А. Тавулдиевни отиб ташлаб, Д. Усубалиевни эса ваҳшиёна қийнашади.

«Омалтранс» шўъба корхонаси раҳбари Н. Мансуровнинг бошига ҳам шу кун тушди. Мана, ўн ойдики, у ҳамон ўзига келолмайди. Кўрганларини шундай хотирлайди: «Майдонда тўпланганларнинг аксарияти жангариларнинг қариндошлари бўлиб, қол-

ганлари эса мажбурлаб келтирилганлар эди.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, айниқса, ЙХХБ ЙПХ инспектори, сержант Т. Манноповга террорчилар қаттиқ азоб беришган. 13 май кун эрталаб у раҳбариятнинг топшириғига кўра, шериги билан шаҳарнинг хусусий юк машиналари тўхтайдиган қисми томон йўл ол-

«Бу талабни бажаришдан бош тортгач, мени бошқа гаровга олинганлар қаторига қўшиб қўйишди», — дейди Комил Парпиев.

12 май кечаси аэропорт сари кетаётган қуролли жангарилар мудофаа ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Б. Усмоналиевни, унга ҳамроҳлик қилаётган офицер ва ҳайдовчисини гаровга олишади. Вилоят ҳокимлигида уни террорчиларнинг етакчиларидан бири бўлган М. Собиров сўроқ қилди. Иккаласи ҳамқишлоқ, шунга қарамай террорчи унга шафқатсизларча муно-

ГУВОҲЛАР СЎЗЛАЙДИ

сабатда бўлди.


Гаровда бўлганларнинг аксарияти жиноий гуруҳ аъзоларининг раҳм-шафқатсиз бўлганликларини таъкидлашади. Улар террорчилар кимни қандай қийнаганлари, телефон кўнғироқларига қандай жавоб бериш ва хорижлик журналистларнинг телекамералари олдида ўзларини қандай тутишлари бўйича кўрсатмалар беришгани, қийноқлар пайтида хушидан кетган йигитларни отиб ташлашгани, қочаётган чоғларида гаровга олинганлардан жонли қалқон сифатида фойдаланишгани эслашади.

Бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканларнинг кўпчилиги бугунги кунда қилмишларига яраша жазоларини ўтасяпти, айримлари эса бегона юртларда, сарсон-саргардон, хору зор бўлиб юришибди, хорижлик «ҳомий»ларини «пешво»ларининг садақалари ҳисобига кун кўришяпти.

Бу кимсалар ўзларини бошда художўй, иймон-этиқодли қилиб кўрсатишга уринишган эди. Вақти келиб, уларнинг асл башараси, ўз мамлакатига, халқига, динига хиёнат қилишгани фош бўлди. Ўзларининг ғараз мақсадларига етишиш йўлида ҳар қандай жиноят, ҳатто қон тўкишдан ҳам тап тортмасликларини кўрсатдилар. Бунга жабрланганларнинг сўзлари гувоҳлик бериб турибди.

Бу кимсалар ўзларини бошда художўй, иймон-этиқодли қилиб кўрсатишга уринишган эди. Вақти келиб, уларнинг асл башараси, ўз мамлакатига, халқига, динига хиёнат қилишгани фош бўлди. Ўзларининг ғараз мақсадларига етишиш йўлида ҳар қандай жиноят, ҳатто қон тўкишдан ҳам тап тортмасликларини кўрсатдилар. Бунга жабрланганларнинг сўзлари гувоҳлик бериб турибди.

Бу кимсалар ўзларини бошда художўй, иймон-этиқодли қилиб кўрсатишга уринишган эди. Вақти келиб, уларнинг асл башараси, ўз мамлакатига, халқига, динига хиёнат қилишгани фош бўлди. Ўзларининг ғараз мақсадларига етишиш йўлида ҳар қандай жиноят, ҳатто қон тўкишдан ҳам тап тортмасликларини кўрсатдилар. Бунга жабрланганларнинг сўзлари гувоҳлик бериб турибди.



13 май кун рўй берган воқеалардан кейин Андижонда ҳаёт аллақачон ўз изига тушган. Бўлиб ўтган воқеаларни фақат вилоят театри биноси зоҳиран эсга солиб турса керак. Аммо бу ерда қайта тиклаш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилмоқда.

Мен яқинда театрнинг бир неча ижодий ходими билан суҳбатда бўлдим. 12 май кун мамлакатимиздаги энг кекса санъат даргоҳларидан бўлган Бобур номидаги театр жамоаси уйларига кеч қайтишди. Сабаби, эртаси кун Ўзбекистон халқ шоири Фафур Ғулумнинг «Ҳасан кайфий» ҳикояси асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиши керак эди.

Актёрлар костюмларини яна бир бор кўздан кечиришди. Чироқ усталари ва овоз операторлари ўз жиҳозлари шайлигига ишонч ҳосил қилишди. Театр директори Жавлон Тошхўжаев томоша залини, театр фойесини айланиб чиқиб, хонасига кирди. Премьерага таклиф қилинганлар рўйхатига яна бир кўз ташлаб, қоровулга сўнги кўрсатмаларни бериб, уйига кетди. Ўша кун театр ходимларидан ҳеч ким эртасига юз берадиган машғум

воқеаларни хаёлига ҳам келтирмаганди...

— Эрталаб кўчага чиқишим ҳамано кўшим эски шаҳарда нималар бўлаётганини сўради, — дея хотирлайди Ж. Тошхўжаев. — Очиғи, ҳеч гапдан хабарим йўқ эди. Шунинг учун шартта машина тўхтаиб, ҳайдовчисидан тез театрға олиб боришни илтимос қилдим. Театр биносига ҳали етиб бормасимиздан унинг тепасидан тутун кўтарилаётганига кўзим тушди.

Бинога яқинлашганимда мени актёрлар, бошқа ходимлар хавотир аралаш қарши олишди. Айримлари деразалардан чиқаётган алангага қараб йиғлашарди.

Ўринбосарим билан театр биноси атрофини айланиб чиқмоқчи бўлдик. Бурчакка етишимиз билан ўқ овози янгради. Қалин

тутзор орасига яшириниб олган бир киши бизга қарата отарди. Ўринбосарим мени бир четга итаришга улгуриб қолди. Ўқ шундоқ ёнгинамдан ўтиб кетди. Одамлар оловни писанд қилмай ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам иккинчи қават-

шева, Тўхтасин Жалилов сингари санъат даргалари ижод қилгани ҳам уларни манфур ниятидан қайтара олмади.

— Менинг бутун онгли ҳаётим шу даргоҳда ўтган, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ҳошимжон Олимжонов. — Ҳамиша шундай

шонли анъаналарга эга бўлган театрда ишлашим билан фахрлар эдим. Ушбу саҳнада турли фель-атвордаги неча ўнлаб образлар яратганман. Аммо шундай улғу даргоҳга юраги ачимай ўт қўйиш руҳан соғлом одамнинг иши эмас. Мен ҳам, ҳамкасбларим ҳам залолатга берилган бундай кимсаларни бир умр қарғаб ўтамиз.

— Илгари фойеда етакчи артистларимизнинг суратлари, театр афишалари, энг яхши спектакллардан лавҳалар осиглиқ турарди. Театримизнинг 85 йиллик тарихи акс этганди. Ҳаммаси куйиб кул бўлди, — дейди куюниб Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Саидбурхонов. — Театр биносини-ку, қайта тиклашимиз. Аммо беаҳо тарихий ҳужжат-

ларни тиклаб бўлмади-да. Ёки Гавҳархоним томонидан бизга тақдим этилган халқимизнинг сеvimли раққосаси Тамарахоним кийиб, хорижларда ўзбек рақсини бор жозибаси билан намойиш этган театр костюминини тиклаб бўладими? Қанчалаб бундай ноёб буюмлар ёниб кетди.

Бундан бир ярим йил аввал вилоят ҳокимияти раҳбарлари кўмағида театр биноси капитал таъмирдан чиқарилганда янги асбоб-ускуналар, жиҳозлар олинганди. Юбилей йилида режоларимиз улкан эди...

— Обиджон, ундай деманг, — ҳамсуҳбатининг гапини бўлди Жавлон Тошхўжаев, — Ҳамма ўйлаганларимиз эрта-кечи амалга ошадди. Хоҳ эски бинода, хоҳ янгида бўлсин ҳали театрнинг кўплаб шонли саналарини ўтказамиз. Аммо ҳозирдан бир нарсани қатъий айтишим мумкин — Андижондаги фожиали воқеаларга бағишлаб спектакль қўйишга қарор қилдик. Унинг премьераси албатта энг улғу байрамимиз — Мустақиллик кун арафасида қайта тикланган театр биносига бўлиб ўтади.

ТЕАТР ЯНА ТИКЛАНАДИ



талашиб борарди. Ниҳоят, у жудаям баҳайбат шаклга келди. Ҳар ҳолда бу сирли учар жисм қизга ўзининг «Форд» русумли машинасида йигирма бараварлар катта бўлиб туялди. Шар йўл четига оҳистагина қўниб, айланишдан тўхтади, сўнг бутунлай шаффоф тус олди. Қиз ҳатто қандайдир кишилар куймаланиб юришганини ҳам аниқ-тиниқ кўриб турарди. Кўрганларидан ҳайратга тушган лаборант: «Нима бўлганда ҳам бор-йўғи ярим бокал шампан виноси менга шунчалик кучли таъсир қилмаса керак», деб ўйлашга улгурди, холос. Шундан сўнг қоронғулик кўйнига шўнғиб кетди.

Ўзига келганида ҳамон машинасида рулни чангаллаганча ўтирар, автомобиль эса ниҳоятда катта тезликда шитоб билан елиб борарди. Ички овоз унга: «Ишингни бас қил! Ишингни бас қил!» деб тинимсиз такрорларди. Бир амаллаб уйига етиб келгач, хонасига кириши билан шампан виносидан ҳам ўткирроқ спиртли ичимлик ичкиси келаётганини ҳис қилди. Ичимлик ичгач, ҳалиги овоз тинчиди.

Қиз эртаси куни уйғонгач, бошидан ўтган воқеа ҳақида ҳеч кимга лом-мим демас-

дайдидек кезиб юрди. Қараса – осмонда кечагига ўхшаш зангори шар гўёки уни таъқиб қилиб юрарди. Кейин туни билан кўчада юрмайман-ку, деб яна уйига кирди.

Хонадоннинг ҳамма ёғига қон сачраган, фақат деворлардан қоннинг фавворалардек отилиши тўхтаган экан. Сара қўлига латта билан кир порошоғи олиб, полларни, девору шифтларни артиб чиқди. Ичида эса биров дурагай робот устида ишлашни бас қил, деб тўхтовсиз такрорларди. Қиз мантиқан фикрлашга ўрганган эди. Шунинг учун юз берган ҳодисани ипидан-игнасиғача таҳлил қилишга киришди. Охир-оқибат мени ўзга сайёраликлар кўрқитяпти, деган қарорга келди. «Демак, улар Поттернинг гуруҳида ишимни давом эттиришимни хоҳлашмаяпти. Нега энди шунча ходим ичида ягона аёл бўлган менга хуруж қилишяпти? Бундан кўра лаборато-

КАШФИЁТЛАРГА БОШЛАГАН ХАТОЛАР

Ҳаётда кўплаб кашфиётлар бахтли тасодифлар туфайли қилинган. Шулардан энг машҳури Америка қитъасининг кашф этилиши бўлса керак. Ўшанда Христофор Колумб Ҳиндистонга олиб борадиган энг яқин денгиз йўлини кашф этмоқчи эди.

КОКА-КОЛА

1886 йилда шифокор ва доришунос Жон Пембертон Жанубий Америкада ўсадиган кока ўсимлиги ва Африка ёнғоғи кола асосида дори яратмоқчи эди. У тайёр бўлган шарбатни татиб кўрса, жуда мазали экан. Пембертон яратган шарбат одамларнинг чарчоғини, руҳий сиқилиш ва тиш оғриғини аритади деб ўйлаганди. У дорини Атланта шаҳридаги энг йирик дориҳонага олиб борди. Шундан сотила бошланди. Бир куни куниёқ шарбатнинг бир стакани беш центдан сотила бошланди. Дориҳонада дорифуруш янглишиб шарбатта оддий сув ўрнига газли сув қўшиб юборди. Қарабсизки, кока-кола ичимлиги ҳосил бўлди. Аввалига янги ичимлик унча оммалашмади. Пембертон уни реклама қилиш учун 80 доллар сарфлаб, бор йўғи 50 доллар кока-кола сота олган эди. Ҳозир эса бу ичимликни дунёнинг 200 мамлакатида севиб ичишади.

ШОКОЛАДЛИ ПЕЧЕНЬЕ

АҚШда шоколадли печенье жудаям кенг тарқалган. Бу ширинлик 1930 йилда кашф этилган. Кичикроқ меҳмонхоналардан бирининг бекаси Рут Вэйкфилд ёғли печенье пиширмоқчи эди. У пишириғига жигарранг тус ва ширин маза бериш учун хамирга бир неча шоколад бўлақларини қўшиб юборди. Рут бўлақлар эриб, физика қонунларини билмаслиги шоколадли печенье дунёга келишига сабаб бўлди.

РЕЗИНА

Чарльз Гудийр бир неча йилдан буён иссиқда бўшашмайдиган, совуқда мўртлашмайдиган резина яратиш учун кунни каучук ва олтингурут аралашмасини билмасдан қизиб турган печувида изланишлар олиб борарди. Бир кун устига қўйди. Шу тариқа резинани кашфиёт электр саноати тараққиётига туртки бўлди. Чунки резина ажойиб изоляция материали эди. Бундан ташқари Гудийрнинг янгилиги замонавий автомобиль пайдо бўлишига ҳам имкон яратди.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР НИМАНИ ХОҲЛАШМОҚДА?

Бу галати воқеа 2003 йил май ойида бошланди. Ўшанда АҚШнинг Жоржия штатидаги Атланта Технология институтида ўзига хос қурилма яратилди. Қурилманинг ўзига хослиги шунда эдики, у микросхемалар тўплами ва дастурлар ёрдамида эмас, балки... каламуш эмбриони нейронлари (асаб ҳужайралари) воситасида бошқариларди. Ушбу биоэлектрон механик қурилманинг кашфиётчиси Стив Поттер ўзининг ижод маҳсулига дурагай робот деб ном қўйди.

Поттер раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи дурагай роботни ёруғлик таратувчи объект томон қараб юришни ўргатишга анча уринишди. Аммо барча сайёра ҳаракатлар зое кетди. Шундан сўнг тескари алоқа тизимини такомиллаштиришга тўғри келди. Энди нейтрон асос ёруғлик даражаси ҳақида хабар берувчи импульсларни роботларни ёруғлик манбаи

томон йўналтирувчи импульсларга айлантлар эди. Ана шундан кейингина кўзланган натижага эришилди. Дурагай робот жойидан кўзгаллиб, ёниб турган чироқ томон ҳаракатлана бошлаганида олимлар қувончдан қийқириб юборишди. Чунки электрон тизимлар соҳасида катта ютуққа эришилган эди.

Бу қувончли воқеа шарофига шампан виноси ичишди. Илмий гуруҳ лаборанти Сара Руттен университетдан 40-50 чақирим узоқликда жойлашган Альфаретта шаҳарчасида яшарди. У кечқурун ишдаги муваффақият таъсирида Атлантадан уйига кўтаринки кайфиятда қайтаётган эди. Кутилмаганда машинасининг мотори ўчиб қолди. Қиз нима қилишини билмай бўм-бўш йўлга тикилиб тураркан, осмонда ярқираган, кўзни қамаштирувчи зангори шар пайдо бўлганини кўриб қолди. Шар машинага яқинлашгани сайин кат-

ликка қарор қилди. Уни жиннига чиқариб, ишдан бўшатиб юборишларидан чўчиди. Ахир, Технология институтида ўқиётган талаба учун лаборантлик мойнаси жуда асқотарди-да.

Иш куни одатдагидек ўтди. Шунинг учун Сара Руттен ярқироқ зангори шар ва унинг ичидаги кимсалар аслида бўлмаган, шунчаки кўзимга кўринган экан-да, деган уйга борди. Аммо кечқурун уйига келиб, эшикни очдию, даҳшатли манзарани кўриб остонада ҳайкалдек қотиб қолди. Йўлакда кимларнингдир ўзаро шивирлашиши эшитилар, девордан эса тизиллаб қон отиларди. Пол ҳам, шифт ҳам қипқизил рангга бўялганди. Ерга тўшалган палос эса қонга бўкканидан босса чилп-чилп қиларди. Уйи худди кушхонани эслатарди.

Сара кўрққанидан кўча томон отилди. То кечаси алламаҳалгача ташқарида худди

рияга ҳужум қилишса бўлади-ку!» – ўйлади у.

Сўнги қон доғларини ҳам артиб кеткизар экан, барибир ўйлаб ўйининг тағига етолмади, ўзга сайёраликлар нима учун Поттернинг изланишларига тўғаноқ бўлишаётганини тушуна олмади. Аммо уларга қаршилиқ қилишга қурби етмаслигини англаб етгач, ишдан бўшаб кетди.

Ҳозир доктор Стив Поттер дурагай роботни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларини давом эттиряпти. Саранинг ўрнида ишлаётган бошқа лаборант қиз эса ҳар куни ишга кўзлари қизариб, қўллари қавариб келади. Афт-ангоридан кечаси билан ухламаганга ўхшайди...

Охири. Боши ўтган сонда.

ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРЛАРИ

Гиёҳвандлик инсон жисмини қанчалик хароб қилса, худди шундек шахс ва жамиятнинг мол-мулки ва бойлигига ҳам мислсиз зарар етказди. У тинч-тотув оилаларни бузади, болаларни етим қилади, қашшоқлик, муҳтожликда яшашга мажбур этади, охир-оқибат, касаллик, ўлим ёки қамоқхона билан яқунланади.

Сурункасига гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида инсон асаби доимий равишда таранглашадиган, таъсирчан ва иродасиз бўлиб қолади. Ишлаб чиқаришда ишловчи гиёҳвандларда, жумладан, куйидаги салбий ҳолатлар кузатилади:

1. Иш жараёнида арзимаган сабаблар баҳонаси билан жанжал кўтариш, уришиш ва зарда қилиш.

2. Ишдан кеч қолиш (уйқунинг издан чиқиши ва иш вақтида ухлаб қолиши).

3. Гиёҳ истеъмол қилишга кетадиган вақт учун ёки иш билан гиёҳвандликни бир вақтда бажариш имконияти йўқлигидан иш ташлаш ёки ишга келмаслик.

4. Марказий асаб тизими билан қўл-оёқ ҳаракати ўртасидаги мувофиқлик бузилгани туфайли кўнгилсиз ҳодисаларнинг тез-тез содир бўлиши. Масалан, қўлини кесиб олиши, оёғига оғир нарсани ташлаб юбориши, тепаликдан йиқилиб кетиши ва ҳоказо.

5. Техник жиҳозларни нотўғри бошқариш натижасида уларни бузиб қўйиш ёки зарар етказиш.

6. Бошлиқларга итоатсизлик, уларнинг гапларини, танқидларини кўтара олмаслик, ўртанинг бузилиши.

7. Ички ва руҳий касалликларга чалиниш.

8. Сифатсиз ва яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш.

9. Жамоат билан бир сафда бирга ишлаш лаёқатидан маҳрум бўлиш ва ҳоказо.

Булардан ташқари, ишсизлик гиёҳвандликни келтириб чиқаради.

СИЁСИЙ ЗАРАРЛАРИ

Тарих сабоқларидан маълумки, мустамлакачи давлатлар қайси бир кичик мамлакат халқини ўз итоатига бўйсундиришни хоҳласа, фақат аслаҳа воситаси билан эмас, балки ўша халқнинг, айниқса, ёшларнинг ақл-идроқини, ирода ва ҳамиятини сусайтирадиган, маънавий ва ахлоқий

си бўлатуриб, оғу харид қилишга маблағ топиш ёки уларни чегарадан олиб ўтишга рухсат олиш мақсадида ҳар қандай шартларни қабул қилишга, ҳатто ўз ватанларига хоинлик қилишга ҳам журъат этадилар. Бу эса ҳар қандай давлат учун ҳам сиёсий зарар ҳисобланади.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ЕТКАЗАДИГАН ЗАРАРЛАРИ

Ёшлар, маълумки, ҳозиримизнинг ярми бўлса, келажакимизнинг бутун бир

гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиб кўрадилар. Кўплари кейин давом эттирмасалар-да, 25-30 фоиз ёшлар унга ўрганиб қолиб, умр бўйи тарк этолмай қолишади.

Олий ўқув юрлари талабалари ўртасида тарқалган гиёҳвандликнинг салбий натижаларини ўрганган бир хорижий мутахассис бу шум одатга берилиш сабабларини воқеликдан қочиш, безовталиқ ва ҳаяжондан қутилиш, шахсий муаммолардан шу йўл билан фориғ бўлиш, турли ташвишлардан халос топишда, деб изоҳлайди.

миятнинг пойдеворига дарз кетади, натижада, унинг устига қурилган бино кулашга мойил бўлади.

Гиёҳвандликнинг оилага келтирадиган зарарлари асосан куйидагилардан иборат:

1. Носоғлом авлоднинг дунёга келиши. Гиёҳванд истеъмол қилишга одатланган аёллар одатда мўътадил равишда овқатланмайдилар. Натижада, уларнинг ҳомидаларида протеин, темир моддалари ва дармондорилар етишмайди. Чақалоқ ўз муддатидан олдин туғилади. Вазни ҳам меъеридан паст даражада бўлади. Бундай чақалоқларнинг кўпчилиги вояга етмай норасида ёшида вафот этади.

2. Оила аъзоларининг ичида қайси бири гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, унинг касбу корига, яъни ишлаб чиқаришига салбий зарар етказди. Натижада, даромад кам бўлади. Зеро, унинг асаби бузилган, у носоғлом. Демак, унинг иши ҳам чала, сифатсиз, яроқсиз. Даромад озлиги туфайли оилани таъминлаш қийинлашади. Муҳтожлик эса инсонни ғайриқонуний, қинғир йўллар билан бўлса ҳам пул топишга ундайди. Иродаси суст гиёҳванд ўзини идора қилолмай жиноятга қўл уради. Унинг касофатидан оиланинг барча аъзолари, қариндош-уруғлар азият чекадилар.

3. Гиёҳванд одам ўз оила аъзоларига яхши хислатларда намуна бўлиш ўрнига ёмон сифатларда ибрат кўрсатади. Ўз қўл остидаги ёш авлод тарбиясига ярамай қолади. Зеро, у ўзини бошқара олмагандан кейин бошқаларни қандай қилиб бошқарсин?!

4. Оила бошлиғи гиёҳванд бўлган тақдирда у бу ёмон одатни оила аъзоларига ўтказди. Чунки болалар олдида мунтазам истеъмол қилавергач, уларда ҳам иштиёқ ва журъат уйғонади. Ўзи чекиб туриб уларга чекма деёлмай қолади. Деганда ҳам сўзи уларга таъсир қилмайди.

5. Гиёҳванд оила нотинч ва ноосойишта бўлиб, оила аъзолари ўртасида доимий низо, тортишув, жанжаллар келиб чиқиши сабабли уларнинг турмушида ҳаловат йўқолади.

ИСЛОМ

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

тушкунликка туширадиган воситаларни қўллашган. Шундай воситаларнинг ичида энг кучлиси — гиёҳвандлик моддаларидир. Зеро, мамлакатда рўй берган ижтимоий тушкунлик бориб-бориб иқтисодий таназзулга олиб келади. Моддий эҳтиёж эса хорижий давлатларга қарам бўлишни тақозо этади. Хориждан келадиган моддий, инсонпарварлик ёрдамлари эса доим ҳам бегараз бўлавермайди.

Мамлакат учун яна бир хатарли жиҳати

шундаки, гиёҳвандликка ружу қўйган кимсалар бу «қимматбаҳо» матоҳни мунтазам харид қилиб туриш учун пул ва маблағга муҳтож бўладилар. Моддий бойликни қўлга киритиш учун эса улар нафақат ўз ватанларини, балки иймонларини ҳам арзонга сотиб юборишга тайёр бўладилар. Буни англаган баъзилар улардан ўзларига жосус сифатида фойдаланишади. Бир мамлакатнинг фуқаро-

яҳлит кишиларидир. Гиёҳвандликнинг улар ўртасида тарқалиши катта ёшдагилар ўртасида тарқалишидан кўра хатарлироқдир. Зеро, ёшлар келажакдаги раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва ҳоказо кишилардир. Аҳолининг бу қатлами қанчалик гиёҳвандликка кўп берилган бўлса, жамиятнинг келажаги шунчалик хатар остида бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, гиёҳвандликка илк бор қадам қўйиш ёшларда кўпроқ 11 ёш билан 17 ёш ўртасида кузатилади. Шу ёшда уларни жиловлаб олинса, фожианинг олди олинган бўлади.

Сўнг иккинчи давр бошланади. Бунда ёшлар бир ёки бир неча марта



ОИЛАГА ЕТКАЗАДИГАН ЗАРАРЛАРИ

Маълумки, оила — жамиятнинг асосий ҳужайраси. У соғлом бўлса жамият ҳам соғлом, агарда у касалланса, жа-

ХОТИМА

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни ўзаро бир-бирларини эзгулик, хайрли ва савобли ишларга буюриб, ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишлардан қайтариб туришликни фарз қилган.

Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с) ҳадислардан бирида: «Эй, умматларим, агар сизлар бир-бирларингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туришликни тарк этсаларингиз, бошингизга шундай бир бало ва офат келадикки, у яхши-ёмонга баробар фожиа бўлади», деб огоҳлантирганлар.

Гиёҳвандлик офатидан халқимиз ва келажак авлодни халос этиш, уларни моддий ва маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи ҳаммамизга мададкор бўлсин!





ROSTDA TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**Россия», душанба
0.55 «ГРЕЦИЯЛИК МАГНАТ»
(«ГРЕЧЕСКИЙ МАГНАТ»)**

Фильм ҳақиқий воқеаларга асосланган. Кемасозлик саноати магнати Тео Томасис АҚШнинг собиқ президенти Жон Кессидининг беваси Лиз Кессидига уйланади. Аёя бир пайтлар Американинг энг кибор хоними бўлган. Тео эса оддий деҳқон оиласида тарбия топиб, кейинроқ мультимиллионерга айланган. Томасис Лизни бошига тушган кулфатдан сўнг гўёки яна ҳаётга қайтаради. Хўш, улар бирга бахтли бўла олишадими?

Ролларда: Энтони Куинн, Жаклин Биссет.



**ДТВ, сешанба
23.05 «САҲРОДАГИ ОЙ»
(«ЛУНА ПУСТЫНИ»)**

Ишсиз қолган актёр автомобиль сотиш билан кун кўра бошлайди. Бир куни у машинасида ёшгина жувонни уйига олиб бориб қўйишга рози бўлади. Ўша пайтда бошига қандай ташвиш орттирганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Калифорния саҳросида ойдин кечада турли-туман саргузаштлар юз беришини у қаёқдан билсин.

Ролларда: Анджелина Джоли, Дэнни Айелло, Энн Арчер.



**Биринчи канал, чоршанба
23.00 «СОЛЯРИС»**

Одамлар яшаш учун Ердан кўра қулайроқ жой излай бошлашади. Самовий экспедициялардан бири Солярис сайёрасини ўрганиш мақсадида парвоз этади. Тез орада олимлар бу ерда ўзларининг кўрқувлари, орзулари ва яширин майллари амалга ошаётганини сезиб қолишади.

Аммо Солярис – жаннат эмас. Аниқроғи, бунинг акси дейиш мумкин.

Ролларда: Донатас Банионис, Наталья Бондарчук.



**«Россия», пайшанба
23.35 «ЖАНГАРИЛАР КЛУБИ»
(«БОЙЦОВСКИЙ КЛУБ»)**

Жек сурункали уйқусизликдан қийналади. Даллол бўлиб ишлаш ҳам унинг жонига тегади. Ана шундай қийин вазиятда совун савдоси билан шуғулланувчи, ғаройиб фалсафий қарашлар соҳиби бўлган Тайлер



Дарденни учратиб қолади. Орадан бир оз вақт ўтиб, иккиси ўзаро ҳазиллашиб муштлашиб завқ олишади. Сўнг биргаликда Жангарилар клуби тузишади. Тез орада бу клуб катта муваффақият қозонади.

Ролларда: Брэд Питт, Эдвард Нортон, Мит Лаф, Зак Гренье.

**СТС, жума
22.00 «ТЎККИЗ ЯРД» («ДЕВЯТЬ ЯРДОВ»)**

Николас Озеранскини дўстлари оддийгина қилиб Оз деб чақиривади. У мохир тиш шифокори (дантист). Монреал шаҳридаги нуфузли мавзеда яшайди. Топиш-тутиши жойида. Фақат инжиқ хотини жонига теккан.

Янги қўшниси билан танишуви унинг «мушкул»ини осон қилади. Чунки Жимми бир пайтлар Чикаго мафияси бошлиғи Ласло Гоголаканинг қўлида ёлланма қотил бўлган.

Ролларда: Мэттью Перри, Брюс Уиллис.



**ТВ 3, жума
0.00 «ИБТИДОИЙ КЎРҚУВ» («ПЕРВОБЫТНЫЙ СТРАХ»)**

Ёш, истикболи порлоқ адвокат епископни ўлдирганликда айбланаётган йигитчани ўлим жазосидан қутқариб қолади. Судда собиқ жазмани унга қарши иш олиб боради. Бу аёл молиявий фирибгарликларга алоқадор бўлган Бош прокурорнинг кўрсатмасини бажаришга ҳаракат қилади.

Ролларда: Ричард Гир, Лора Линни, Эдвард Нортон.



**Биринчи канал, шанба
2.00 «ЎТА ХАВФЛИ КАҲРАМОНЛАР» («СМЕРТЕЛЬНО ОПАСНЫЕ ГЕРОИ»)**

Африка аэропортида халқаро террорчилар гуруҳи самолётни эгаллаб, йўловчиларни гаровга олишади. Улар ўзларининг қамоқхонадаги етакчиси Карлоснинг зудлик билан озод қилинишини талаб этишади. Гаровдагилар орасида полициячи Брэд Картовскийнинг хотини ҳам бор. Ҳокимият вакиллари террорчиларнинг шартларини бажаришади. Тезда гаровдагилар ҳам озод қилинади. Аммо улар орасида негадир Брэднинг хотини йўқ эди...

Ролларда: Майкл Парэ, Жан Мишель Винсент.



**НТВ, якшанба
0.55 «МЕН – СЭМ-МАН» («Я - СЭМ»)**

Бу фильм ақлий қобилияти яхши ривожланмаган Сэмнинг бошидан кечирганлари тўғрисида ҳикоя қилади. Уни севимли қизалоғи Люсини ўзи тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум қилишмоқчи бўлишади. Сэм машҳур адвокат Рит ёрдамида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш олиб боради.

Ролларда: Шон Пенн, Мишель Пфайффер, Дакота Фэннинг.

**«Ўзбекистон»
телеканал**

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Табиб итлар».
9.45 «Камалак» экрани.
10.35 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 Олтин мерос.
11.30 Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига. «Икки дарё оралиги». 3-қисм.
11.50 С. Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». А. Хидоятномидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.55 «Фармонбиби аразлади». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 «Яхшилар ёди». А. Кодирий.
15.15 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
Болалар сайёраси:
16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнак» студияси намойиш этади.
17.35 «Улуғ салтанат».
18.05 Окшом наволари.
18.10 «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 11-қисм.
18.40 Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига. «Икки дарё оралиги». 4-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки.»
22.00 «Тақдир ўйини». Теле-сериал премьераси.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Хиндистон».
00.05-00.10 Тунги наволар.

**«Ёшлар»
телеканал**

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 Кичкинтой театри.
16.30 Ёшлар овози.
16.45 Чемпион сирлари (рус тилида)
17.10 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
18.40 Мусикий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ракурс.
20.00 Кизил худуд.
20.15 Олий лига кундалиги.
20.35 Давр репортаж.
20.45 UzEX хабарлари.
20.55 Эълонлар.
21.05 «Шубҳа».

21.50 Мусикий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусикий лаҳзалар
22.40 UzEX хабарлари. (рус тилида)
22.50 «YOSHLAR» телерадиоканалида спорт дастури: Интерфутбол.

**«Тошкент»
телеканал**

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.20 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20, 21.35 «ТВ анонс».
18.55 «Саломат бўлинг» (рус).
19.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.40 «Бир жуфт аския».
19.45, 21.40 «Телекуръер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
20.50, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.05 «ТВ юрист».
21.10 «Камила». Телесериал.
21.55 «Журналист тахлили».
22.30 «Омад хамиша ҳам келавермайди». Бадиий фильм.
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

**«Sport»
телеканал**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Детеныши диких животных». Сериал.
9.00 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 Ўзбекистон чемпионати Мини футбол.
10.45 Жаҳон спорти: Баскетбол. NBA.
11.45-12.35 «Охотники за неизвестными животными». Док. фильм.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликала-ри».
20.45 «Футбол плюс».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Команда». Сериал.
22.35 «Проф-РИНГ».
23.25 «Королева бензоколонки». Худ. фильм.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 профилактика
17.00 Болалар соати
17.40 Мусикий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Тараккиёт – ТВ»
19.00 Ошикона
19.45, 21.40 Телехамкор
20.00, 21.50 Мусикий табасум
21.00 «София, менга имком бер», сериал
22.25 «Кашкирлар макони», серил
22.55 Эстрада оханглари

«Первый»

5.00 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Фильм
9.20 «Детективы»
9.50 «Малахов + Малахов»
11.20 «Черный ворон». Фильм
12.30 Фильм «Давай поженемся»
14.10 «Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки»
17.40 «Любовь как любовь». Фильм
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Заколдованный участок». Фильм
21.30 «Битва за космос».
23.00 Теория невероятности.
23.50 «Гении и злодеи».
0.20 Прик. фильм «Близнецы»
2.05 Триллер «В постели с убийцей»
3.20 Неизвестная планета.
3.40 «Американские слезы русских жен». Док. фильм

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:35 Боевик «Бой с тенью».
10:00, 12:45, 15:30, 18:45, 22:00, 23:15, 3:40 ВЕСТИ.
11:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
13:40 Фильм «Подранки»
16:15 «Смехопанорама»
16:50 «Обреченная звезда». Телесериал.
17:45 Сериал «Волчица».
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Сериал «Опера-2. Хроники убойного отдела».
20:55 Детектив «Призвание»
22:20 «Мой серебряный шар»
23:35 «Честный детектив»
0:05 «Синемания».
0:40 «Дорожный патруль».
0:55 Фильм «Греческий магнат»
2:40 «Евро Ньюс»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
9:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:35 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
14:30, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:25 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ»
18:40 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ-7»

19:45 Детектив «ТЕМНЫЙ ИНСТИНКТ»
21:40 Сериал «АЭРОПОРТ»
22:45 «СТИХИЯ»
23:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:15 «ВСЕ СРАЗУ!»
0:45 Фильм «СПАЛЬНЯ ЕПИСКОПА».
2:40 АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ
3:25 Сериал «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»
4:10 Сериал «СЛЕПОЕ ПРАВОСУДИЕ»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультфильмы
10.0 Худ. фильм «ГРОМ В ШТАНАХ»
11.50 Худ. фильм «ПОСЛЕДНИЙ ТОННЭЛЬ»
14.00 «Осторожно, модерн»
15.00 Худ. фильм «БОГУС»
17.10 Худ. фильм «ФАНАТ»
19.00, 4.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА»
20.00 Худ. фильм «МИШЕНЬ НОМЕР ОДИН»
22.00 Худ. фильм «ВИДОК»
0.00 Худ. фильм «СТАЛЬНОЙ РАССВЕТ»
2.00 Худ. фильм «УДАРНЫЕ СИЛЫ»

ДТВ

8.00, 15.30 Мультфильмы.
9.00 Сериал «НЯНЯ».
9.30, 16.30, 22.40 «Как уходили кумиры»
9.55 «Неслучайная музыка».
10.00 Телемагазин.
10.30, 1.20 «Карданный вал +».
10.50 Фильм. «САМОЛЕТ ЛЕТИТ В РОССИЮ».
13.05, 20.00 Самое смешное видео.
13.35 Прик. сериал «КОМАНДА А»
14.30, 19.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР»
16.55 Фильм. «САША-САШЕНЬКА».
18.30 «Осторожно, афера!»
20.25 Шоу Бенни Хилла.
20.55 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ»
22.00 «Опергруппа, на выезд!»
23.05 Худ. фильм «ТУРБУЛЕНТНОСТЬ-2».
1.40 Крим. новости.
2.00 «Супермужчина России»
2.20 «Девушки не против...»

ТНТ

4.45, 18.30, 23.30 «Москва: инструкция по применению»
5.10 Мультсериалы
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 11.15 «Никеллодеоны»
7.25 Предприниматель.
7.40 Наши песни.

8.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ»
9.00 «КРУТЫЕ ВИРАЖИ». Спорт. комедия
12.30, 18.00 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННОИЦА».
14.00, 0.15 ОФИС
15.00, 20.00, 23.00 Дом-2
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «Возможности пластической хирургии»
19.00 «Запретная зона»
21.00 Комедия «АЛИ ДЖИ ПОБЕЖДАЕТ ЗЛО»
0.00 Наши песни.
1.10 «КРУТЫЕ ВИРАЖИ». Комедия

СТС

7.00 «ШПИОНКА». Худ. фильм.
7.50, 14.15 Мультфильмы.
8.30, 10.30, 19.25 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.
11.00 Кино «ДЕТСКИЙ БУМ».
13.15 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Худ. фильм.
17.00 «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
17.30 «ДОКТОР КТО». Худ. фильм.
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Худ. фильм.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм.
22.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
22.30 Кино «ТАЙНЫЙ БРАТ».
1.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
1.30 Детали.
2.30 «ТАКСИСТ». Худ. фильм.
3.15 «ЛИВЕРПУЛЬСКАЯ ДЕВА».
4.40 «ШПИОНКА». Худ. фильм. 2 серии.
5.05 Музыка

7 ТВ

6.00 7.00 7 новостей.
6.05 Зарядка для страны.
6.25 Веселые старты.
7.05 Хоккей. Чемпионат России. Женщины. «Торнадо» - «Скиф».
С 8.00 до 18.00 профилактические работы.
18.00 19.00 20.00 21.00 22.00 23.00 0.00 1.00 2.00 3.00 4.00 5.00 7 новостей.
18.05 22.05 «Советский спорт». Киножурнал.
18.25 19.25 20.25 22.25 0.25 Диалоги о рыбалке.
19.05 Магия оружия.
20.05 0.05 Музыкальный трек.
21.05 4.05 Гандбол. Чемпионат России. 1/4 финала. «Луч» - «Ростов-Дон».
23.05 NBA Live!
23.25 Бокс. Легендарные бои XX века.
1.05 5.05 Покер. Мировой тур.
2.25 Звезда автострады.
2.40 AutoFashion.
3.05 Дартс. Чемпионат мира.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Хиндистон».
«Болалар сайёраси»:
9.30 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. Финал. 2. «Тоғлик». Мультсериал.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги».
11.55 Олтин мерос.
12.05 Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига. «Икки дарё оралиғи». 4-қисм.
12.25 «Одами эрсанг».
12.45 «Тақдир ўйини».
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Оханрабо».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Бир ўлка-ки.»
15.35 «Кенжатоидан кўрк, эй ганим». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Сирли атир». Теленовелла.
17.55 «Юртим кишилари».
18.10 «Агар Сиз.»
18.30 «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 12-қисм.
19.00 Оқшом наволари.
19.10 «Банк ва миждоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Тақдир ўйини».
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Таиланд филлари». 1-қисм.
00.15-00.20 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

6.30 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 Кичкинтой театри.
8.35 Яхши ишлар бюроси.
9.00 «Шубҳа».
9.45 Ёшлар овози.
10.00 Давр.
10.10 Олий лига кундалиги.
20.40 От спорти. Жаҳон кубоги.
21.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Укрощение строптиво-го». Худ. фильм.
23.30 Жаҳон спорти: «Евро-футбол».
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 11.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20, 14.50 Детский час
9.50 Мультфильмы
11.15 Худ. фильм «Гениальные младенцы»
13.00 Теле-экспромт
13.20 Хит.парад - плюс
14.20 Шоу-бизнес янгилик-лари
15.30 Аёллар орзуси
16.00 До-Ми-Соль шоу
17.00 Худ. фильм, «Барби в стране фей»
18.10 Мусикий лаҳзалар
18.30 Сугдиёна
19.15 Ошикона
20.00 30 кадр
20.30, 21.40 Мусикий табас-сум
21.00 Яқшанба оқшомида
22.10 Худ. фильм «Медаль-он»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой»
5.40 Фильм «Если можешь, прости...»
7.20 Армейский магазин
7.50 Дисней-клуб
8.20 «Умницы и умники»
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки»
11.10 Живой мир
12.10 «Королевы красоты»
13.00 «Театр «Современник»
14.00 «Империя»
15.00 Футбол. Чемпионат России. V тур. «Локомотив» - ЦСКА.
17.00 Времена
17.50 «Вольф Мессинг»
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 «Время»
20.45 Фильм «Знаки любви»
23.10 Бокс. Мигель Котто - Джанлука Бранко
23.50 «Последний день нашей цивилизации»

«Россия»

4:35 Фильм «Отряд»
6:10 «Студия «Здоровье»».
6:20 «Сельский час».
6:45 «Бинго миллион»
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 «Русское лото»
7:30 Мультфильм.
7:50 Комедия «Карантин»
9:30 «Утренняя почта».
10:20 «Городок»
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама»
12:15 «Парламентский час».
13:20 «Фитиль»
14:05 «Великолепная восьмерка»
14:50 «В Городке».
15:00 Фильм «Свадьба»
17:05 Юмористический концерт.
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Фильм «Последний уик-энд»
22:20 «Национальный интерес». Ток-шоу.
23:10 Триллер «Обитель зла-2: Апокалипсис»

НТВ

3:45 Фильм «КРАСНЫЙ УГОЛ»
5:40 «СТРАННЫЕ ДНИ НА ПЛАНЕТЕ ЗЕМЛЯ». Док. сериал
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
7:20 Комедия «ДЖОУИ»
7:45 «ИХ НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20, 19:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
9:50 «TOP GEAR»
10:30 «ЦЕНА УДАЧИ»
11:20 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
12:20 «СТИХИЯ»
13:00 Сериал «КАЗУС КУ-КОЦКОГО»
15:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»

15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ: ОТПУСК НА ЧЕРНОМ МОРЕ»
18:50 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
19:55 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
21:00 «ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»
22:30 Сериал «ЗОНА»
0:20 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
0:55 Фильм «Я - СЭМ»
3:15 Комедии «ПОСЛЕДНИЙ ДЕВСТВЕННИК АМЕРИКИ»

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы
10.00 Худ. фильм «СЧАСТЛИВАЯ КЛЮШКА»
12.00 Худ. фильм «КАК ВАЖНО БЫТЬ СЕРЬЕЗНЫМ»
14.00 «Осторожно, модерн!»
14.30 «Курьер»
15.00 Худ. фильм «ЗОЛОТОИСКАТЕЛИ»
16.50 Худ. фильм «СТАЛЬНЫЕ КОГТИ»
19.00 «Осторожно, модерн!»
20.00 Худ. фильм «ФАНАТ-2»
21.50 Худ. фильм «ДОРОГА НА АРЛИНГТОН»
0.15 Худ. фильм «БУГИМЕН: ЦАРСТВО НОЧНЫХ КОШМАРОВ»
2.00 Худ. фильм «ТРАВМА»
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.05 Для милых дам.
9.35 Мультфильмы.
10.10 Мультфильмы.
10.55 Фильм. «СТРАНА ГЛУХИХ».
13.30 «Супермужчина России».
14.30 Детектив «СПРУТ».
15.25, 4.20 Время - день-ги».
15.55 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ»
17.00 Сериал «ТЕМНАЯ ЛОШАДКА».
18.00 Самое смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00, 1.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 «ОСТРОВ ПОГИБИШИХ КОРАБЛЕЙ»
23.05 Детектив «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАСВЕГАС»
2.05 «Хирурги поневоле».
3.05 «Осторожно, афера!»
3.35 Детектив «СПРУТ».

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.25 Мультфильмы.
7.20 «Антология юмора»

8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «Охотник на крокодилов»
10.00 «УБОЙНАЯ КОМАНДА». Комедия.
12.30, 18.00 Такси.
13.00 «Дикие дети»
14.00, 23.45 ОФИС
15.00 Дом-2
16.00 «САША + МАША»
17.00 «Школа ремонта»
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 «Необъяснимо, но факт»
20.00, 22.00 Дом-2
21.00 Комеди Клуб.
22.30 «Секс»
23.00 «Правила секса»
23.30 Наши песни.
0.45 «УБОЙНАЯ КОМАНДА». Комедия

СТС

7.00 «СКАЗАНИЕ О ДАВИДЕ» Худ. фильм.
8.50, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.00 Кино «МАК И Я».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 Фильм ВВС. «Нацисты. Предостережение истории»
17.00 Истории в деталях
17.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Худ. фильм
22.00 Кино «ОБНАЖЕННОЕ ОРУЖИЕ».
0.00 «6 кадров».
0.30 Кино «ФАНАТКА».
2.20 «МОРЕ ДУШ» Худ. фильм.
5.15 Фильм ВВС. «Погода»
6.05 Музыка


7 ТВ

6.00 Акробатический рок-н-ролл.
7.00 10.30 16.00 Назло рекордам.
7.10 4.10 Хоккей. Чемпионат России. Женщины. «Торнадо» - «Скиф-2».
8.00 9.00 Веселые старты.
10.00 7 дней спорта.
10.10 21.00 4.00 Музыкальный трек.
10.40 16.10 21.10 «220 вольт».
11.00 «ПАРАШЮТИСТЫ». Худ. фильм.
12.30 18.00 22.00 23.30 Racing Action.
13.30 19.30 0.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
14.00 1.00 5.00 AutoFashion.
14.10 19.00 23.10 NBA Live!
14.30 Кубок России по горнолыжному спорту. 6-й этап
15.00 20.00 Гольф.
15.30 21.30 2.30 Gillette World Sport.
16.30 20.30 Бега и скачки.
17.00 23.00 3.00 Звезда автострады.
17.10 3.10 Дартс. Чемпионат мира.
19.10 2.00 Магия оружия.
1.10 5.10 Покер. Мировой тур.

ҚОРДАН ҚУТУЛИБ, ЁМФИРГА ТУТИЛДИ

Европа аҳолиси қишда қалин қор ва қаттиқ совуқдан азият чеккан бўлса, энди бу қитъада ёмғир заботига олапти. Бу ҳам етмаганидек, қорлар эриб, Дунай, Эльба, Морава дарёлари тошди. Ҳавонинг кескин исийтганини кўриб, европаликлар 2002 йилдаги сув тошқинлари яна такрорланишидан хавотирда. Сув тошқинидан жиддий зарар кўрган ҳудудларда фавқулодда ҳолат жорий этилиб, аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.

Табий офатдан дастлаб Болгария, Греция ва Туркия жабр кўрди. Чехиянинг 14 минтақасидан 7 тасида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Германиянинг эса Саксония вилоятида вазият мураккаб. Чехия, Германия, Австрия ва Словакияда сув тошиши оқибатида бир ҳафта давомида ўнга яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Бир неча одам бедарак йўқолган. Ҳимоя иншоотлари бунёд этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ва бошқа эҳтиёт чоралар учун юз миллионлаб евро миқдоридан маблағ ажратилмоқда.



Сешанба куни 17 соатлик муҳокамадан сўнг суд маслаҳатчилари Закариас Мусавийни 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларига дахлдор деб топишди.

ЯГОНА АЙБЛАНУВЧИ

У Оклахома штатидаги учувчилар мактабидан таҳсил олган. Аммо йўриқчи Мусавийни ҳали катта самолётларни бошқара олмайди, деган ҳулосага келган. Шунинг учун 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларида бевосита қатнашмаган. Лекин нияти самолёт олиб қочиш, оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш, америкалик расмий шахсларни ўлдириш ва давлат мулкни йўқ қилиш бўлган.

Аввалига Мусавий кўпуровчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлганлигини рад этди. Фақат шу йил март ойида айбини тан ола бошлади. «Мен иккита осмон-ўпар бинога зарба берилишидан хабардор эдим. Фақат операциянинг тафсилот-

ларини, ўтказиш санасини аниқ билмасдим», — деди у.

Энди суд айбланувчини ўлим ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм этиши мумкин.

Яқинда Усома бин Лоден АҚШга яна зарба беришга тайёргарлик кўраётганлиги борасида гап-сўзлар тарқалди. Бу ҳақда «биринчи рақамли террорчи»нинг собиқ тансоқчиси Абу Жандал баёнот берди. У 1996-2000 йилларда бин Лоденнинг хавфсизлиги учун масъул эди. Абу Жандалнинг сўзларига қараганда, «биринчи рақамли террорчи» Покистонда эмас, Афғонистон ҳудудида яшириниб юрган бўлиши мумкин.

ФИРИБГАРЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНМОҚДА

Греция футбол уюшмаси раҳбари Василс Гагацис фирибгарликда айбланмоқда. Мамлакат телевидениесининг хабарига кўра, Гагацис ва унинг шерикларига нисбатан уюшманинг маъмурий биноси ва иккита машқ маркази қурилиши билан боғлиқ жиноий иш қўзғатилди. Прокуратура ходимларининг айтишича, уюшма раҳбарияти давлат олдидagi молиявий мажбуриятларини бажармаган.

Гагациснинг ўзи ҳеч қандай фирибгарликка алоқаси йўқлигини, уюшма раҳбарлиги лавозимига кўз тиккан рақиблари унинг шаънига тухмат қилаётганликларини айтган. У бир неча йилдан буён Греция футбол ассоциациясига бошчилик қилиб келаяпти. Айнан у таклиф этган германиялик мураббий Отто Рехагел бошчилигида грек футболчилари 2004 йилги Европа чемпионатида галаба қозонишганди.



ДАЛИЛЛАР МАВЖУД

Ёдингизда бўлса, баъзи бир оммавий ахборот воситалари Европада АҚШ Марказий разведка бошқармасининг махсус, махфий қамоқхоналари мавжудлиги ҳақида хабар тарқатишган эди. Тахминларга кўра, уларда террорчилик фаолияти билан шуғулланганликда гумон қилинган шахслар сақлан-

ган. Яқинда Европарламентнинг ана шу маълумотларни текшириш билан шуғулланган махсус комиссияси аъзоси Клаудио Фава Европа осмонида «учар қамоқхоналар» парвоз қилганини тасдиқловчи далиллар борлигини айтди.

Унинг сўзларига қараганда айрим парвозлар қўлга олинган шахсларни

ташиш мақсадида амалга оширилган. «Биз ана шундай самолётлар бортида бўлган уч нафар жабрдийда билан суҳбатлашдик. Бизнинг тахминимизча, бундайлар кўп бўлган. Аммо уларнинг аксарияти ҳозир қайсидир қамоқхоналарда сақланипти ёки умуман тирик эмас», — деди маърузачи.

Европа Иттифоқи комиссияси ҳам мазкур масала юзасидан текширувлар ўтказмоқда.

БОСҚИНЧИЛАР

Москва пул ташиш билан шуғулланувчиларга ҳужум қилишга «ихтисослашган» жиноий гуруҳ зарарсизлантирилди. Бу ҳақда Москва шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари И. Глухов маълум қилди. Унинг таъкидлашича, 17 киши ҳибсга олинган. Шундан сўнг Россия пойтахтида пул ташувчиларга ҳужум қилиш ҳоллари кескин камайган.

«Мен барча фуқароларни эҳтиёткорликка чақираман. Пул ташиш хизматини инкассаторларгагина ишониб топширишларини маслаҳат бераман», — деди И. Глухов.

НАСИБ ЭТСА...

Британиялик Карл Бушби 1999 йилда Жанубий Америкадан пиёда Европага етиб олмоқчи бўлиб йўлга чиққан эди. У Чукоткада Россия чегарасини ноқонуний кесиб ўтганлиги учун қўлга олинди.



37 ёшли собиқ десантчи ҳозиргача 28 минг километрга яқин йўл босди. Бушби ва унинг ҳамроҳи — Канада фуқароси Димитрий Кейфернинг паспортига Россия визаси босилган эди. Аммо ҳужжатларга давлат чегарасидан қонуний ўтилганлиги тўғрисида белги қўйилмаганди. Сабаби, Беринг бўғозининг улар чегарани кесиб ўтган қисмида паспорт назорати пункти йўқ эди. Саёҳатчиларнинг ёнида «Кольт-Магнум» тўппончаси ва GPS прибори бўлган. Бундай нарсаларни Россия ҳудудига олиб кириш учун эса махсус рухсатнома олиш керак.

Агар Бушбига саёҳатни давом эттиришга рухсат беришса, у Россия, Мўғулистон, Қозоғистон, Украинани яёв босиб ўтиб, Франциядан Ла-Манш бўғози остидан ўтувчи тоннель орқали Буюк Британияга етиб олмоқчи. Сафарини 2009 йилда яқунлаш ниятида.

ЛАЗЕРЛИ ТЕЛЕВИЗОР

«Mitsubishi» компанияси лазер телевизорлари ишлаб чиқаришни бошлади. Улар одатдаги телевизорлардан тасвирининг тиниқлиги билан ажралиб туради. Хизмат қилиш муддати эса деярли чекланмаган.

Лазер телевизор рақамли технология асосида ишлашга асосланган. Унда тасвир ҳосил қилиш учун қизил, яшил ва зангори рангли лазерлардан фойдаланилади. Натижанда ранглар диапазони одатдаги телевизорга нисбатан 1,8 бараварга ошади. Бундан ташқари лазер технологияси асосида ишловчи телевизорлар енгилроқ ва ихчамроқдир.

Лазер технологиялари тараққиёти компьютер техникаси ривожига ҳам сабаб бўлапти. Яқинда NEC компанияси вакиллари лазер чипи яратилганлигини маълум қилишди. Бу келажакда суперкомпьютерларни янада такомиллаштиришга олиб келади.



ҚЎПОРУВЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Махачқалъада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан Гусейн Мусалаев қўлга олинди. У Чеченистондаги дала қўмондонларидан Раппони Халилов тўдасида жанговар ҳаракатларда иштирок этган. Қўлга олиш чоғида жангари қуролли қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган. Сўроқ пайтида Мусалаев ҳақиқатан ҳам Чеченистон ҳудудида жанговар ҳаракатларда қатнашганлигини тан олди. Шунингдек, 2001 йил сентябрида Махачқалъа шаҳрида радиобошқарувли портловчи қурилма ўрнатгани, лекин уни ҳаракатга келтирмаганини айтиб берди. Бомба топилиб, зарарсизлантирилди. Унинг қуввати тротил эквивалентида икки килограммга тенг бўлиб, бундан ташқари портловчи қувватини ошириш учун қурилмага гайка ва болтлар ҳам ўрнатилган эди. Ҳозирда Гусейн Мусалаевнинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги ўрганиляпти.



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Минскда Александр Лукашенконинг учинчи бор Белорусь Республикасининг Президенти этиб сайланганлиги муносабати билан қасамёд қабул қилиш маросимига қизгин тайёргарлик кўрилди. Тантана бугун, 8 апрелда бўлиб ўтиши белгиланган. Маълумки, март ойида мамлакатда ўтказилган президентлик сайловларида у 83 фоиз овоз олганди.



Тахририятимизнинг бу галги меҳмони — истеъдодли хонанда Озодбек Назарбеков бутун диққат-эътиборини санъатга, ижодга ва шу йўл билан одамларга хизмат қилишга қаратган. Шунинг учун кейинги уч йил мобайнида мухлислар эътиборига фақат янги кўшиқлардан иборат иккита концерт дастурини ҳавола этди. Яна бир неча кундан сўнг эса навбатдаги концерт дастури орқали мухлисларини хушнуд қилади. Биз хонандани одатдагидек тайёргарлик жараёнида учратдик.

кашф қилди. У бағрига жуда улкан бойликни яширган сокин денгизга ўхшайди. Ичи тўла ғоя, кашфиёт. Лекин буни кўз-кўз қилгиси, бошқаларга

атрофимда дўстларим, гулдек оилам, фарзандларим бор. Озми-кўпми халқнинг хизматини қилиб, дуосини олаяпман. Фақат ўтмиш хоти-

дастурингизда ҳам мухлисларингиз маза қилиб, дам олиб чиқиб кетишган эди. Ўзингиз айтганингиздек, дастурда асосий эътибор кўшиқларингиз

ятга эга бўлади. Ана шу йўлда сизга куч-қувват, бардам-бақувватлик тилаймиз.

— Мен ҳам «Постда» газетаси жамоаси ва бу-

«СЕНИНГ ДАРДИНГ»

Вақт бешафқат, замон шиддатли. Шундай экан, инсон ҳам тезкор ҳаракат қилмаса, ҳеч нимага улгурмай қолиши, кўз очиб-юмгунча вақт уни ўз домига тортиб кетиши мумкин.

— Ҳорманг энди, концертга тайёргарлик кўриш чарчатиб қўймаптимиз?

— Саломат бўлинг, ҳали чарчаганимни сезмадим. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам бу ширин чарчоқ, ширин ташвиш-да. Мухлислар концертимни интизорлик билан кутаётганлигини ҳис қилиш ва кўп миллионли халқимизга навбатдаги ижодий дастуримни туҳфа этиш, буларнинг барчаси бахт, мадад берувчи, илҳом бағишловчи туйғу.

— Концертингиз яқинлашиб қолаётган бўлса

сини бераёпти. Мен ўзимга баҳо беришдан ожизман. Кўшиқни қандай ижро этаёпман, маромига етказа олаяпманми, буларга баҳони мухлислар беради. Кўшиқларимнинг мусиқаси ҳақиқатдан ҳам ўйноқи, халқона. Бунга бастакор Мусахон аканинг меҳнатлари туфайли эришдик. Истаймизми-йўқми, ҳар бир миллат ўз руҳиятини ифодалайдиган кўшиққа эҳтиёж сезади, ўзининг миллий оҳанги таралаётган мусиқадан завқланади. Буни Мусахон Нурматовдек ижодкор, кенг тафаккур-

мақтангиси келмайди. Ўта ҳокисор ва камтарин инсон. Ваҳоланки, бугунги кунда Мусахон ака қанча санъаткорларимиз билан ижодий ҳамкорлик қилиб, ажойиб кўшиқлар ёзиб бермоқда. Лекин буни кўпчилик билмайди.

Дарҳақиқат, бўлажак концерт дастуримдан жой олган 20дан ортиқ кўшиқнинг аксарияти Мусахон Нурматов мусиқаси билан айтилади. Қолганлари Иқбол Мухаммаджонов ва Тўлқин Абдурахмоновларга тегишли. Бастакор битта шахс бўлгани билан кўшиқлар мавзуси ҳам, ижроси ҳам рангбаранг. Насиб қилса, концертда ўзларингиз баҳо берасизлар, кўшиқларимиз бир-бирига ўхшамайди.

— Лекин сезишимизча, дастурингизда дардли кўшиқлар етакчилик қиладиганга ўхшайди. Номини ҳам «Сенинг дардинг».

— Тўғри, ижро этиладиган кўшиқларимнинг учдан бир қисми дардли. Бу озми-кўпми билмайман-у, лекин шундай мавзудаги кўшиқлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Нолимоқчи эмасман-у, бироқ ҳаётда кўп азият чекканман. Болалгим ҳам бахтли ўтмаган, муҳаббатга ҳам эришолмадим, кўп ноҳақликларга дуч келдим. Мен учун энг армон қиладигани, онамдан жуда эрта жудо бўлдим. Балки буларнинг барчаси менга синов сифатида юборилгандир. Нима бўлганда ҳам мен ўша кунларни кўрдим. Шунинг учунми бошқа мавзуда ёки шўх кўшиқ қуйламоқчи бўлсам ҳам нолалари дардли чиқиб кетаверади.

— Ахир буларнинг барчаси ўтмишда қолди-ку? Бугунги ҳаётингиздан мамнун эмасмисиз?

— Аллоҳга шукр, ҳаётимдан нолимайман. Ношуқурлик қилсам инсофдан бўлмайди. Ҳаётда ёлғиз эмасман,

ралари, ўша яраларнинг жароҳат излари қалбимдан бутунлай ўчиб кетмади. Юрагимнинг қаеридадир ўша излар сақланиб қолган, баъзи-баъзида сим-сим оғриқ бериб туради. Қолаверса, бу дунёда дардсиз одамнинг ўзи йўқ. Кўшиқларимдаги нола менинггина эмас, атрофимдаги одамларнинг, замондошларимнинг дарди. Уларнинг ҳаётини кузатиб туриб ҳам шундай кўшиқлар айтгим келади. Буни эса Мусахон ака яхши англаб етади, уни оҳангларда маҳорат билан ифодалаб беришни ҳам билади.


— Сиз билан ҳамкорлик қиладиганларнинг барчаси санъатингизни ҳурмат қиладиган, тушунадиган инсонлар шекилли?

— Шундай деса ҳам бўлади. Концерт режиссёри Марат Азимов саналади. Саҳна безакларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Бахтиёр Тўраев яратмоқда. Рақсларни эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимова саҳналаштиряпти. Биз бир-биримизни жуда яхши тушунган ҳолда иш-ляяпмиз.

— Демак, концерт зўр бўларкан-да?

— Мухлисларимиз бизни қўллаб-қувватлаб туришса бўлгани.

— Ўтган йилги концерт



кучига қаратилган эди. Ҳатто парда ёпилганда ҳам томошабинлар анча-гача ўрнидан кўзгалмаган. Менимча, бу концертдан олинган яхши маданий ҳордиқ, руҳий таассурот натижаси бўлса керак. Бу йил эса ишонаманки, томошабин ундан ҳам зўрроқ таассуротга, аъло кайфи-

тун ички ишлар ходимларига омад тилайман. Осойишталигимизни ҳимоя қилишдек эзгу йўлда ҳеч қачон ҳориб-толмасинлар.

— Самимий суҳбат учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Нигора ТҮХТАМАТОВА.



ҳамки, эл хизматидан бўшамайсангиз чоғи?

— Энди буёғи ўзбекчилик. Ҳар қандай шароитда ҳам хизматдан бош тортмаслигимиз керак. Одамлар ният қилиб яхши кунларига таклиф этишгандан кейин бормай бўладими. Ёшми, куч-қувватимиз бор. Ҳаммасига қўлдан келганча улгуришга ҳаракат қилаёпмиз. Ҳар кунни тўрт соат репетиция қилишга тўғри келмоқда.

— Кўшиқларингиз халқона, шўх ижроси рақсга ҳар қандай одамни ҳам тушириб юборади...

— Бундан жуда хурсандман. Кўшиқларим одамларга ёқиб, уларнинг яйраб дам олишига сабаб бўлаётган экан, демак, меҳнатларимиз ўз самара-

ли инсон аллақачон тушуниб етиб, ана шу эҳтиёжни қондирадиган кўшиқлар ярата бошлади. У пайтда кўпчилик хонандаларимиз поп, рок, эронча, туркча йўналишда куйлаб юрган эди.

Тўғриси, мен ҳам ўз овоз имкониятларимни, қайси йўналишга бурсам кўшиқларим муваффақиятли чиқишини билмас эдим. Мусахон ака буни кўра билган, истеъдодимни юзага чиқарган инсон.

— Демак, сизни бастакор Мусахон Нурматов кашф қилган экан-да?

— Ҳа, у киши мени қайтадан кашф қилди. Раҳматли устозим Мухриддин ака санъатга олиб кирган бўлса, Мусахон ака миллий эстрада хонандаси сифатида мени қайтадан





Multifilmni xush ko'rmaydigan bolani ko'rganmisiz? Yo'q, albatta. Ammo multifilm ishlashning o'zi bo'lmas ekan. Men bunga shaxsan o'zim amin bo'ldim. Mana, masalan, tulkiyning bir qadam qo'yishi uchun bir necha o'nlab rasmlar chizilar ekan. Rassom amakilarning mashaqqatli ishlarini ko'rib, ularga barcha bolajonlar nomidan tashakkur aytdim.


Lekin gohida rasm chizish chog'i ular ham xatoga yo'l qo'yishar ekan. Quyidagi rasmda rassom qaysi buyum kimga tegishli ekanligini adashtirib yuborgan. Rassomning xatosini to'g'rilashga urinib ko'ring.



Multifilm yaratish jarayonidagi eng muhim ishlardan biri montaj ekan. Montaj bu — plyonkaga tushirilgan tasvirlarning ortiqcha deb topilgan joylarini qirg'ish, jarayonning ketma-ketligini ta'minlash va shu kabi bir qator

murakkab vazifalarni o'z ichiga olar ekan.



Ijodkorlar men, tipratikan va tulkiy ishtirokida yaratishgan multifilm plyonkalaridagi ortiqcha tasvirning ustiga chiziq torting.




Ushbu rasmda esa go'zal qishloq tasvirlangan. Qator joylashgan uylar, daraxtzor, qo'sh terak, sigir, bolakay, tog'lar va yer haydayotgan dehqon... Lekin rassom amakining ayyorligi bilan bu tasvirda ulkan jonzot yashirilgan. Ana shu ulkan jonzot — devni yaxshilab izlasangiz, albatta, topasiz.

Bahor — ajoyib fasl. Butun qish bo'yi ko'rinmagan asalarilar g'ujg'on o'ynaydi. Hammamiz xush ko'radigan asalni ana shu mehnatkash, jajji jonzotlar biz uchun tayyorlab berishadi.

Sizga beradigan navbatdagi topshirig'imizda uch asalarining qay biri qaysi narsani xush ko'rishini topish vazifasi qo'yilgan.



Raqamlarni tartib bilan bir-biriga ulab chizib chiqsangiz, suvda ham, quruqlikda ham yashaydigan jonivorni bilib olasiz.




Sahifani E. SATTOROV tayyorladi.

Select new image file

Look in: Mening o'yinlarim

Siz kompyuter o'yinlariga ham qiziqsangiz kerak. Mana bu topshiriqni yechib ko'ringchi.

Bolakay futbolni juda xush ko'radi va albatta raqib darvozasiga to'p kiritadi. Siz esa uning qanday gol urganini topishingiz kerak.



GOL
GOL

File name: «Futbol» labirinti

Files of type: Barcha fayllar

Open

Cancel

Шайбонийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон ҳукмдор Абдулхайрхоннинг набираси Шох Будокхоннинг ўғли бўлиб, у 1451 йил туғилгандир. Болалигидан уни Муҳаммад Шох Бахт деб аташ эдилар. Муҳаммад Шох Бахтнинг отаси Шох Будок — Султон эрта вафот этади. Абдулхайрхон вафотидан сўнг унинг ҳокимияти остида бирлашган қабилалар тарқаб кетди. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида ғалаёнлар бошланди. Шайбонийхон ҳокимият учун кураш олиб борди. Кейинчалик у Самарқандга — теурийлар саройига таклиф этилди.

Бу ерда Шайбонийхон «буюк хон»нинг набираси сифатида яхши кутиб олинди. Теурий ҳукмдорлар Шайбонийга умид билан Дашти Қипчоқда ўз сиёсатларини амалга оширувчи шахс сифатида қарар эдилар. Марказий Осиёнинг маданий марказларида маърифатли кишилар билан яқиндан танишув Муҳаммад Шайбонийга ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, Бухорода ўтказган йиллари унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу ерда Қуръони каримни қироат билан ўқувчи қорилардан бири Мавлоно Муҳаммад Хитойи унга сабоқ берган.

Шайбонийхон ўз даврининг маърифатли кишиси, жасур жангчи бўлиши билан бирга моҳир саркарда ҳам эди.

Шайбонийхон Дашти Қипчоқда ўз давлатини тиклашга муваффақ бўлди.

Тарқоқ қабилаларни тўплаш

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН

ва шаҳарлардаги эътиборли шахслардан ўзига иттифоқдошлар йиғишдан ўз фаолиятини бошлаган Муҳаммад Шайбонийхон кўлга киритилган қалъаларни мустақамлаш ва уларда ўз ҳокимиятини янада кучайтиришга катта эътибор берди. У фурсат топганида турли фанлар ва ислом динини ўрганиш, тарихий ҳамда шеърый асарлар битиш билан шуғулланди. Ўз саройига кўплаб тарихчилар, шоирлар, олимларни тўплади. Камолиддин Биноий, Мулло Шоди, Фазлulloҳ ибн Рузбехон қабилар шулар жумласидандир. Муҳаммад Шайбонийхоннинг Ҳиротни кўлга киритганидан сўнг Камо-

лиддин Беҳзод томонидан чизилган портрети бизнинг кунларгача сақланиб қолган. Расмнинг диққатга сазовор томони хон олдидаги ёзув қуроллари бўлиб, бу ҳукмдорнинг илм-маърифатга қизиққан ва ёзишни яхши кўрганлигини кўрсатади. Шайбонийхон айниқса, тарихни севган. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, у ўзбек тилида битилган ўзига хос манба — «Таворихи гуздайи нус-

«Онинг таърихидир шаҳи шухадо, Яна бир алиф бирла бўлур адо».

Ўз даврининг етук шоирлари Муҳаммад Шайбонийхоннинг шеърый асарларини юқори баҳолаб, уни юксак маълумотли киши деб таърифлайди. Теурийлар жамиятига яқин шоир сифатида тан олиншини истаган Шайбонийхон ўз шеърлари битилган қоғозларни одамлар гавжум бўлган ерлар, бозорларда осиб кўйишни буюрган.

ний йўналишга риоя қилар эди. Хон ўзини «Имом аз-замон ва халиф ал-рахмон» деб, сунний мазҳабини эса Эрон шоҳи Исмоил Сафавий томонидан давлат дини деб эълон қилинган шиа мазҳабига қарама-қарши, шайбонийлар давлатининг дини деб эълон қилди. Муҳаммад Шайбоний турли мавзуларда мунозаралар ўтказар эди. Уларда Мовароуннахрнинг йирик олимлари иштирок этиб, фикрларини билдираддилар. Самарқанд яқинидаги Кониғилда ўтказилган шундай мажлисларнинг бирида урушлар ва ўзаро тортишувлар натижасида қаровсиз ҳолга келган ерлардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида тарихий ва бадий-адабийётда ўзбек тилининг мавқеи кучайди. Хоннинг буйруғи билан форс тилидаги ва мўғул ёзувида битилган асарлар турк тилига таржима қилинган.

Шайбонийхон 1510 йил Марв яқинидаги Маҳмуд қишлоғида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Жанг тугаганидан сўнг унинг жасади аскарлар жасадлари орасидан топилган. Шайбонийхоннинг ваҳшийларча таниб бўлмас ҳолга келтирилган бошсиз танаси Самарқанддаги Баланд Суфа деган ерга дафн этилди.

ратнома» асарининг ёзилишида бевосита иштирок этган.

Давр талабига биноан Шайбонийхон туркий тилидан ташқари форс тилини ҳам яхши эгаллаган. У шеърятга қизиқар, ўзи ҳам шеърлар ёзар эди. Хоннинг байтлари унинг атрофидаги муаллифларнинг асарларида келтирилган. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музакир ал аҳбоб» асарида Шайбонийхоннинг байт ва ғазаларидан намуналар келтиради. Хон ҳақида ёзар экан, у: «яхши шеърлари бор эди» деб таъкидлаб шундай қайд қилади:

«...Ҳазрати шайх Нажмиддин Кубронинг ... вафоти тарихини яхши айтган. Тарих:

Шайбонийхон Қуръони каримни яхши билган ва диний уламолар билан суҳбат қуришни хуш кўрган. Ҳукмдорнинг сиёсий рақиби бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам унинг мусулмон дини борасида яхши билимга эга эканлигини таъкидлаган. Муҳаммад Шайбонийхонга ҳамроҳ ва маслакдош бўлган шахслар ичида шайхлар, саййидлар ва хожалардан чиққан билимдон кишилар эслатиб ўтилади. Уларнинг баъзилари хонга нисбатан «буюк муҳаббат ва садоқат»ларини кўрсатган бўлиб (Хондамир), кейинчалик ҳам ҳукмдорнинг яқинларидан бўлиб қолганлар.

Шайбонийхон исломдаги сун-

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

ЁРУҒЛИК

Ёруғлик — орзу-ниятларнинг амалга ошиши, оғир касалнинг тузалиши, битмаётган ишларнинг битиши. Қизлар кўрса — бахтлари очилади.

ЁМҒИР

Ёмғир ёғаётгани — вақт бекорга кетаяпти, ҳаракат қилинг. Жала остида қолиш — оғир дард келмоқда. Ёмғир остида юриш, лекин сув юқмаслиги касал бўлиб, тез тузалиш. Баҳорги ёмғир — тозаланиш, иш бошлаш вақти. Ёзги ёмғир — совуққонлик қилманг, ишлар тўхтаб қолади. Кузги ёмғир — иш тугади, маблағ ва омад сизники. Қизлар учун — тўй, бахт. Қишки ёмғир — касаллик, топганини йўқотиш.

ЁСТИҚ

Дўстни билдиради. Ёстиққа суяниш — ҳар қандай вазиятда дўстлар ёрдамига умид қилиш мумкин. Ёстиққа бош кўйиб ётиш — оиладан хотиржам бўлиш мумкинлиги ифодаси. Қир ёстиққа бош кўйиш — касалланишни, ташвишга қолишликни билдиради. Ёстиқни кўтариб юриш — эркаларга ўз яқинларининг ҳолидан хабар олиш кераклиги белгиси бўлса, қизларга вафодор ёр насиб этишидан дарак. Ёстиқ астида ўтириш — бировга аччиқ қилиб яқинларини ташвишга солиш.

ЖИГАР

Жигар кўриш — орзу-ҳавасларнинг ушалиши. Жигар кесиш — ҳар хил ўйинларда ютуққа эга бўлиши мумкин. Жигар қовуриш — юқори мавқели кимсалар билан суҳбат. Жигар оғриши — нохушлик.

ЁҒ

Ёғ идишда тўла турган бўлса — шунга монанд маблағ келади. Агар қозонда қизиётган ёғ кўринса — яқинларидан келадиган ташвиш, ғам. Аёллар ёғ кўрсалар — тўйга ишора. Бировдан ёғ олса — омад, қўллаб-қувватланиш. Сарёғ олса ёки тановул қилса — сихат-саломатлик, ишига омад келаяпти. Кимгадир сарёғ берса — ўшанга ёрдами тегади. Мол ёғи — совуқ хабар.

ЖАННАТ

Бу туш — Аллоҳнинг марҳаматидир. Ҳалол яшашнинг, узоқ умр кўришнинг, оиласида фаровонликнинг, катта даромаднинг, баланд мартабанинг, жаннати бўлишнинг белгиси. Агар қизлар кўрсалар — яхши хонадондан совчи келади, катта бахтга, тўкин-сочин ҳаётга, меҳрибон эрга эга бўладилар. Жаннатга кириб, қайтиб чиқиш — касалликдан тез тузалишни, ғайб кучига эга бўлганликни билдиради.

ЖАННАТ МЕВАСИ

Жаннат мевасидан олиш — катта ризқ-насиба келиши ифодаси. Оғир касалларга — жаннатнинг жамолидан баҳраманд бўлиши белгиси.

ЖИГАР

Жигар кўриш — орзу-ҳавасларнинг ушалиши. Жигар кесиш — ҳар хил ўйинларда ютуққа эга бўлиши мумкин. Жигар қовуриш — юқори мавқели кимсалар билан суҳбат. Жигар оғриши — нохушлик.

(Давоми бор).

Олти-бклик	Раҳим (актёр)	Рангли металл	Бобомурод (хонанда)	Дунай ирмоғи Кўл (Фин.)	Минерал буюк Юлдуз туркуми	Умр йулдоши	Эрон, Яман пул бирлиги	Грециядаги шаҳар	Сувнинг олға йўналиши	Болчи хашарот
Санъат тури	Катъий фикр, аҳд	... Азимов (адиб)	Туркия пойтахти	Пуфлама соз	Афгон шоири	Жануб дарахти	Мактуб хат	Туртинчи нота	Хид, буй	Сурув Футбол атамаси
Шекспир ҳақрамон Шикор	Кон томири	Киргиз халқ эпоси	Эркин (шоир)	Тўтилар тури Намуна	Француз газетаси Еввойя ўт	Япониядаги шаҳар	Ориф (хонанда)	Брюс ... Ханда	Уни барги сомсага осиб пиширилади	
Олег (кино-актер)	Лермонтов шоъри	Куй, оҳанг	Пайгамбарлардан бири	Суратдаги хинд кино-актрисаси	Франциядаги шаҳар	Америка кимёгар	Сенегал пойтахти	Сайбра (Дарё Вьетнам)	Кумуш буюк Миллат	
Кабоб пиширгич	Хипча белли хашарот	Навой ҳоким бўлган шаҳар	Сўз туркуми Аклиннинг ўлчови	Кавказ ортидаги дарё	Буюк Британиядаги бурун	Бўсаға	Алифбонинг учинчи ҳарфи	Нота	Меконг дарёсининг ирмоқларидан бири	
Рус архитектори	Экин майдони	Полиз усимлиги	Тогдан ошиб ўтиш жойи	Мўйнаси сифатли кемирувчи хайвон	Ж. Верн романи қаҳрамони	Калин мовут	Германиядаги дарё	Мажлиси бошқарувчи шахс	Миллат	
ИИВ олий ўқув юрти	Америкалик ёзувчи	Сьерра-Леонедаги шаҳар	Кора денгиз бўйидаги порт	«Чингизхон» романининг муаллифи	Латвия пул бирлиги	Поляк фантаст ёзувчиси	Германиядаги шаҳар	Мевали дарахт	«Амар, Акбар, ... (хинд фильми)	
Канот-сиз куш Сув хавҳаси	Безак буюми	Устки қийим қисми	Илмий фараз, таҳмин	Канотлари узун ва ингичка куш	Неъматлар султони	АҚШда полицияча аҳоли томонидан берилган ном	Вьетнамдаги дарё	Мусиқла гамма-сининг еттинчи товуши	Аёллар исми	
Чиройли юз, чехра, жамол	Озуқа маҳсулот	Гавда								

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Электромобиль. Саломатлик. Елвизак. Шом. Оқ. Раиса. Тор. Озиш. Смородина. Он. Изн. Гўзал. Па. Бурж. Мусо. Тўти. Оқ. Реактор. Пакт. Рама. Кедр. Арафа. Раимов. Ис. «Ан». Эс. Прима. Илм. Озода. Тиса. Лаган. Ўта. Падар. Лифт. Камерн. Эрон. Кадр. Атмосфера. Арпа.

БЎЙИГА: Эсдалик. Истиклол. Творог. Отлик. Оскар. Исм. Шодон. Кашалот. Иш. Ал. Из. Жазм. Дўмбира. Ор. Мухандис. Узин. Рок. Ўқтам. Тарози. Се. Насиба. Такси. Фа. Ага. Арава. Пазанда. Зира. Криптон. Омонат. Нил. Корт. Рисола. Акт. «Эсмералда». Мадакор. Оуэн. Бе. Арзанда.

ЁНГИН ЎЧИРИШ АМАЛИЙ СПОРТИ

МУРОСАМИЗ КЕЧГАН БАҲСЛАР

Ҳозирда жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, давлат ва фуқаролар мулкани ушбу офатдан ишончли ҳимоя қилиш масъулиятли вазифалардан биридир. Содир этилган ёнгинларни тезда бартараф этиш учун соҳа ходимлари изланишда бўлишлари, касб маҳоратларини муттасил ошириб боришлари талаб этилади. Бу борада ҳар йили ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича республика ИИБ чемпионати ташкил этилаётгани айти мундоқ бўлаяпти.

Навбатдаги анъанавий мусобақа Самарқанд шаҳридаги «Даҳбет» стадиони ҳамда вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бош-

қармаси ўқув марказининг спорт базасида ўтказилди. Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор С. Асадов кириш сўзи билан очар экан, спортчиларга омад тиларди.

Шундан сўнг баҳслар бошланиб кетди. Одатдагидек, беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, Навоий конметаллургия комбинати ЁХБлари, республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Олий техник мактаби жамоалари қатнашишди. Самарқанд вилояти фавкулдда вазиятлар бошқармаси вакиллари эса меҳмон сифатида таклиф

этилди. Иштирокчилар амалий спортнинг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кўтарилиш, уч тирсақли нарвонда ўқув минорасининг учинчи қаватига кўтарилиш, ёнгин ўчирувчилар эстафетаси турлари бўйича ўзаро куч си-нашишди.

100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва ёнгин ўчирувчилар эстафетасида Тошкент шаҳри терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритишди. Шахсий биринчиликда эса Р. Рўзиев (Қашқадарё вилояти), У. Болибеков (Тошкент шаҳри) ва И. Аловидинов (Жиззах вилояти)ларга

омад кулиб боқди. Ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кўтарилишда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари кучли эканликларини намойиш этишди. Уч тирсақли нарвонда ўқув минорасининг учинчи қаватига кўтарилиш турида Қашқадарё вилояти терма жамоасидан Н. Нажмидинов ва У. Бобомуродовлар жуфтлиги, Тошкент вилояти терма жамоасидан А. Абдунабиев ва А. Ирисбековлар жуфтлиги, Тошкент шаҳри терма жамоасидан эса Д. Анцибаров ва У. Болибековлар жуфтлиги голибликни қўлга киритди. Турлар якуни бўйича умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига фахрли ўринлар насиб этди.

Голибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Ўтказилган мазкур мусобақани саралаш турнири, десак ҳам бўлади. Чунки, яхши натижаларни қўлга киритган спортчиларга келгусида халқаро беллашувларда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

Лайло АЛИМОВА,
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Жасур АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

МАЙК ТАЙСОН — ТЕМУРНИНГ СЕКУНДАНТИ

Профессионал боксинг WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Темура Ибрагимов Хоразмда туғилиб, вояга етган. Унинг бокс билан шуғуллана бошлаганига ҳадемай йигирма йил тўлади. Оғир вазн тоифасида фаолият кўрсата бошлаганига эса эндигина уч йил бўлди. Лекин шу қисқа даврда таҳсинга лойиқ муваффақиятларни қўлга киритди. Темура Ибрагимов оғир вазннинг WBC йўналишида Марказий Америка Бокс Федерацияси чемпиони ҳисобланади. Жаҳон рейтингидида мазкур йўналиш бўйича йигирма иккинчи ўринни банд этиб турибди.



Темура Ибрагимов болагидан дзюдо билан бокс тўғрақларига қатнашиб юрди. Биринчи бор бокс бўйича Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ўртасидаги мусобақада рингга тушиб, голиб чиқди ва шундан сўнг боксчи бўлишга аҳд қилди.

Ун тўққиз ёшида ҳаваскорлар бокси бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. 1993 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1994 йилда Таиландда ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритгандан кейин нуфузли мусобақаларда иштирок эта бошларди.

Профессионал боксда ҳам ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб тинимсиз машқ қилди. Бир қатор синовлардан сўнг оғир вазн тоифасида фаолият кўрсата бошларди.

Ҳозир Т. Ибрагимов АҚШнинг Майами шаҳрида машҳур боксчиларнинг устози Карлос Хумберто Луис қўлида маҳоратини ошираяпти.

Т. Ибрагимов Майк Тайсон билан устози орқали танишган. Тайсон унга жанг олиб бориш санъати бўйича жуда кўп маслаҳатлар берган. Темура ғалаба қозонган сўнгги жангда айнан Майк Тайсон унга секундантлик қилди.

Темура Ибрагимов Ўзбекистонлик профессионал боксчилар тўғрисида шундай фикрларни айтди:

— Ҳаваскорлар боксидаги бутун фаолиятим давомида Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаев билан дўст бўлганман. Ҳозир ҳам интернет орқали уларнинг фаолиятини кузатиб бораман. Яқинда Руслан рақибини нокаутга учратиб, жангда тўла устунликка эришганидан жуда қувондим. Афсуски, Муҳаммадқодир учинчи марта мағлубиятга учради. Яна бир боксчи — Фарҳод Бакиров Японияда тайёргарлик машқларини олиб бораёпти. Фарҳоднинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам мақтовга лойиқ.

Темура айни кунларда навбатдаги жангга тайёрланыпти.



«ДИНАМО»ЧИЛАР ГОЛИБ

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманлари, корхона, ташкилот ва муассасалари жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказиш анъанага айланган. Мусобақаларда қатнашиш истагини билдираётган корхона ва ташкилотлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу йилги мусобақаларда вилоят ИИБнинг «Динамо», вилоят Давлат солиқ бошқармасининг «Солиқ» ва Бахт шаҳрининг «Бахт» жамоалари алоҳида намуна кўрсатдилар. «Динамо» жамоасидан Михаил Останков турнирнинг энг яхши дарвозабони ва Тўлқин Норкулов эса энг яхши ҳимоячиси деб топилди.

Бўлиб ўтган баҳсларда вилоят ИИБнинг «Динамо» жамоаси 1-ўринни эгаллаб, кубок ва тадбир ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Вилоят «Динамо» ФСЖ томонидан Наврўз байрамига бағишланиб футбол бўйича 1992-1993 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган очик турнир мусобақаларида эса «Динамо-посбон», вилоят касабга уюшмаси БЎСМ (болалар ва ўсмирлар спорт мактаби), Гулистон шаҳар ва вилоят БЎСМ жамоалари қатнашди.

Биринчи ўринни «Динамо-посбон» жамоаси эгаллади. 2-ўрин вилоят БЎСМ, 3-ўрин вилоят касабга уюшмаси БЎСМ жамоаларига насиб қилди. Мусобақада энг яхши ўйин кўрсатган 7 нафар иштирокчи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Н. ЙЎЛДОШЕВ,
сержант.

Ўтган ҳафтада Чирчиқ шаҳридаги «Сплав» стадионида ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари бошланди.

Ушбу спорт мусобақаларида республика ИИБ Қоровул қўшинларининг вакиллари энгил атлетика, волейбол, офицерлар уч кураши, тош кўтариш, кураш турлари бўйича куч си-нашмоқдалар. Беллашувларга пухта тайёрланган спортчиларимиз ҳозирча тўртта олтин, битта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритдилар.

Энгил атлетика турининг 800 метрга югуриш бўйича беллашувида шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар В. Смирновга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, 1500 метрга мудатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар П. Вдовенко маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Ушбу спортнинг эстафета турида ҳам вакилларимиз рақибларга имконият қолдирмадилар.


Офицерлар уч кураши бўйича ўтказилган мусобақада қуrolдан нишонга аниқ отишда катта лейтенант Н. Гулбоев, майор Ш. Толиповлар голибликни қўлга киритишди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

90 килограммгача бўлган оғирликда бўлиб ўтган кураш мусобақасида мудатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Х. Набиев иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль со-вриндори бўлди.

Умумармия ўйинлари спорт мусобақалари давом этмоқда.

Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.
Суратларда: спорт мусобақаларидан лавҳалар.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Истеъфодаги подполковник Абдулла ЮНУСОВнинг таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, яна кўп йиллар сафдошлари, фарзандлари, шогирдлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Эҳтиром ила дўстлари.

Республика ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси алоҳида милиция батальони командири Маҳмаджон ПИРМАТОВНИ туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Батальон шахсий таркиби.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси томонидан 1997 йилда Ризакулов Фармонкул Раимкулович номига берилган олий маълумот тўғрисидаги 105091 рақамли диплом йўқолгани учун **БЕКОР** қилинди.



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ. 21 март – 20 апрель



Ҳаётингизни ўзгартириб юборадиган вазият юзага келиши мумкин. Ҳозирча унча зарур бўлмаган юмушларни бажарганингиз маъқул. Чунки куч-қувватингизни тежаб сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Ёрдамга муҳтож яқинларингизга кўмаклашишни маслаҳат берамиз. Мухим учрашувлар кутилмоқда.

СИГИР. 21 апрель – 20 май



Кўзланган мақсадга эришиш учун бироз жон койитсангиз кифоя. Саъй-ҳаракатларингиз кутилган натижани беради. Дўстлар билан учрашиб, суҳбатлашиш учун қулай даврдир. Отанонгизни бориб кўришга вақт ажратинг.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь



Атрофингиздаги одамлар орасида обрў-эътибор қозониш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳар қандай қийин вазият юзага келмасин обрўингизни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Кўзланган ишларни кўнгилдагидек бажариш учун тажрибангиз етмаслиги мумкин. Шу боис, билмаган нарсаларингизни ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

ҚИСКИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль



Ушбу ҳафтада анчадан бери ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал этасиз. Зарарли одатларингиздан воз кечишнинг айни пайтидир. Энг муҳими, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун вақт ажратишни унутманг.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август



Мазкур давр ўзингиз ўйлаган даражада самарали ўтади. Ҳаракат қилсангиз, барча хоҳиш-истагингиз амалга ошиши мумкин. Белгиланган юмушларни шошилмай, батартиб бажарганингиз маъқул. Дўстлар маслаҳатига қулоқ тутиб иш кўришни унутманг.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь



Ҳафтанинг дастлабки кунлари миянгизда янги ғоялар туғилади. Тўғри йўлни танлашда муаммога дуч келишингиз эҳтимолдан холи эмас. Хужжатлар билан ишлаганда ниҳоятда хушёр ва эътиборли бўлинг.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь



Мазкур ҳафтада ақл-заковатингиз нималарга қодир эканлигини намоён этасиз. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланинг. Ишхонада эришиладиган ютуқлар ташкилотчилик қобилиятингизга боғлиқ. Рақибларингиз билан кучли рақобат кутилмоқда.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь



Вақтингизни кўпроқ оила даврасида ўтказинг. Имкониятингизга тўғри баҳо беришингиз кўплаб вазифалар муваффақиятли уддаланишига олиб келади. Сиз эришган ютуқлар раҳбарлар эътиборига тушади.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь



Душанба куни қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қилиб олганингиз маъқул. Иқтидорингизни намоён этиш учун қулай пайт келди. Юзага келган қийинчиликларга қарамай мураккаб вазифаларга ҳам бемалол киришаверинг. Омад сиз томонда.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь



Ишхонада муваффақиятга эришиш учун барча имкониятлар мавжуд. Кўзланган мақсад йўлида амалий ҳамкорлар билан бирлашинг. Ўзингиз ва қариндошлар ўртасидаги муносабатлар кўнгилдагидек кечади.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль



Чала қолган ишларни тезкорлик билан ниҳоясига етказишингиз талаб этилади. Янги ғояларни ҳаётга кейинроқ жорий қилганингиз маъқул. Оила аъзоларингиз, айниқса, болаларга кўпроқ вақт ажратинг. Совғалар олишингиз эҳтимолдан холи эмас.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март



Хонадонингизда осойишталик ва тотувлик ҳукм суришидан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Ишхонадаги келишмовчиликни осонгина бартараф этасиз. Дам олиш кунлари асосий вақтингизни табиат бағрида ўтказинг.

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Юртимизда баҳор кезмоқда. Бу фаслда ҳаммаёқ гўзал бўлади. Азим шахримиз Тошкентда ҳам дарахтлар гуллаб, боғ ва майдонлар кўм-кўк майсаларга тўлди. Атрофга қараб, гўзалликни кўриб завқланамиз. Қани энди ҳар доим шундай гўзаллик бўлса деймиз.

Қадри тенгдошлар, табиатнинг бу гўзаллигини асраб-авайлаш ўзимизга боғлиқ. Шаҳримиздаги дарахтлар қуриб қолмаслиги учун уларни парваришлаб ва сув қуйиб туришда катталарга ёрдам беришимиз керак. Айниқса, ниҳоллар парваришга муҳтож бўлади. Бироқ айрим болалар ниҳолларни эгиб, синдиради. Натигада у катта дарахт бўлмай қуриб қолади.

Шаҳримиздаги йўл четлари ва майдонларда ўсиб ётган майсалар атрофга ажиб гўзаллик бағишлайди. Гарчи пиёдалар учун йўлкалар бўлса-да, айрим болалар майсаларни босиб устидан юради. Катталар танбеҳ беришларига қарамай уларни оёқости қилганларни интизомсиз дейишади.

Яқинда телевизорда сув ҳақида кўрсатув бўлди. Айтишларича, дунёдаги барча сувлар-

нинг жуда оз миқдори, икки фоиздан сал кўпроги ичишга яроқли экан. Айрим мамлакатларда тенгдошларимиз



ичимлик суви етишмаслигидан қийналишаркан. Бизда эса бу борада муаммо йўқдай. Лекин катта-

лар ичимлик сувини исроф қилмасликни тайинлашлари бежиз эмас. Чунки ҳамма жойда тоза сув ўлчоғлиқ бўлади. Водопровод сувини керакмас пайтда очиб қўйиш, кичкина, арзимаган нарсаларни ювганда кўп сув ишлатиш уни увол қилишдан бошқа нарсас эмас. Исроф қилиш эса ёмон одат.

Мақтабда устозларимиз экология ҳақида гапирганида яхшилаб қулоқ солишимиз лозим. Экологияни асраш деганда дарахтларни парваришлаш, майсазорларни оёқости қилмаслик, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, қушларга, жониворларга озор бермасликни тушуниш керак. Биз, болалар табиатни асрашни катталардан ўрганасак, эртага ука-сингилларимизга ўргатамиз. Ана шу тарзда она табиатни асраб қоламиз.

Табиат бизга жуда кўп неъматлар беради. Шунинг учун уни онага қиёслашади. Бизга ҳаёт берган, тарбиялаб, бағрида катта қилган онани қанчалар севсак, табиатни ҳам шунчалар ардоқлашимиз керак.

Динара САЪДУЛЛАЕВА,
Тошкентдаги 9-мактаб ўқувчиси.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОЛМА ЕБ ОҒРИГАНДАН – ЎРИК ЕБ ЎЛГАН ЯХШИ

Вариант: «Олмани е, сувни ич, оғримасанг, менга кел». Бу мақолларни фақат ҳўл мевалардангина эмас, умуман егулик-ичгуликдан нафсини тиёлмайдиган, озиқ-овқатни керагидан ортиқча еб қўйиб, кейин қорни ё бошқа ери оғриганидан шикоят қилиб юрувчи кишиларга нисбатан истеҳзо тариқасида қўллайдилар.

ОЛМА ПИШ, ОҒЗИМГА ТУШ

Буни ишەкмас, дангаса, ўзи меҳнат қилиб бир нима топиб ейишга ялқовлик қиладиган, бировдан бир нима тегишига умид боғлаб ўтирадиган, «тайёрга-айёр» одамларга нисбатан гоҳ кулги тарзида, гоҳ киноя тарзида қўллайдилар.

ОЛМА ТАГИДАН ЙИРОҚҚА ТУШМАС

Вариант: «Олмурт оғочидан олисга тушмас». Бу мақолларни: «Ўғил-қизнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, гап-сўзи хоҳ ижобий жиҳатдан бўлсин, хоҳ салбий жиҳатдан бўлсин, ота-онасиникидан кескин фарқ қилмайди, ўхшаш ё яқин бўлади», деган маънода айтадилар.

«ОЛОВ» ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ КУЙМАС

Бу мақол «Ҳолва» деган билан оғиз чучимас мақолининг акси бўлиб, «Ҳаёлий гаплар кишини умидига етказа олмагани сингари, кўрқинчли, ваҳимали гаплар ҳам кишини маҳв эта олмайди. Бундай гаплар фақат гаплигича қолаверади, сен бундан кўркма ҳам, чўчима ҳам»,

деган маънода кишига далда берадилар, дадил ва жасоратли бўлишга ундайдилар.

Дерларки, оғиз ўт деса куймас вале бу оҳ Чун сабт бўлса, хомау дафтарни куйдурур. (НАВОИЙ)

ОЛОВ СЎНСА СОВИЙДИ, ГИЁҲ СЎЛИСА ҚУРИЙДИ

Бу билан қариялар ёшларга: «Илм-билим олишни, хунар эгаллашни тўхтамай тобора авж олдира боринг; бошлаган ишингизни совитмай, қизгин давом эттиринг. Бир совитсангиз, сўнган ўтдай ўчиб, сўлиган гиёҳдай қуриб қолади, кейин ишингизни қайта юргизиб олишингиз қийин бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

ОЛОВНИНГ ТИШИ ЙЎҚ, ҲЎЛ-ҚУРУҚҚА ИШИ ЙЎҚ

Вариант: «Тегирмоннинг тиши йўқ, ҳўл-қуруққа иши йўқ». Бу мақолларни яхшими, ёмонми барибир ҳар кимнинг дилига озор берувчи, ранжитувчи, асабига тегувчи, кайфиятини бузувчи, «теканга тегиб, тегмаганга қесак отувчи», «Ўтганнинг ўроғини, кетганининг кетмонини олувчи» хирахондон, дилгир, дилозор, бадфеъл одамларга нисбатан захарханда билан қўллайдилар.

ОЛОМОНДАН ҚОЧГАН – ҚУТУЛМАС

Бу билан: «Кўпчиликка асло ёмонлик қила кўрма, жиғига тегма, ранжитма! Акс ҳолда кўпчиликдан, халойикдан сира қочиб қутулмайсан, тутиб олиб адабингни беради, «тавбангга таянтириб қўяди», ҳатто «оломон қилиб» ўлдириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас», деган маънода насиҳат қилганлар.



Гулчеҳра эри, болалари билан бинойидек яшаётган бўлса-да, негандир турмуш ўртоғининг топган пулига яхши кун кечирмаётганлигини айтиб нолийверарди.

Бир куни бозорга чиқиб, нимадир олди-сотти қилиб, оила бюджетига ҳисса қўшмоқчи эканини эрига айтди. Эри аввалига бунга рози бўлмади. Гулчеҳранинг ҳадеб жаврайверишидан безор бўлиб охири розилик берди.

Кўнгли бўшнинг кўнглидан ўтма, дейишади... Гулчеҳра эртаси куниеқ туман марказидаги бозорга бориб маҳсулот олиб сота бошлади. Аввалига жиндек тўсиқларга, қийинчиликларга рўбарў бўлди. Бозорнинг ички сир-синоатларини озгина тушуниб олгач, даромад орттириб, уйга унча мунча егуликлар олиб келадиган бўлди. Бу билан ўзини эридан устун ҳис қила бош-

КўРМАГАННИНГ КўРГАНИ...

лади. Эрининг деҳқончилик қилиб, ҳалол меҳнат билан топаётган пулидан энди у қоникмасди.

Гулчеҳранинг кундан-кунга бозори чаққон бўлиб, танишлари ҳам кўпаяверди. Бозорчи танишларидан сигарет чекишни, ҳатто ароқ ичишни ўрганди. Ана шундан кейин Гулчеҳранинг хурмача қилиқлари чиқа бошлади. Эри ва болаларига бўлган муомаласи кескин ўзгарди. Турмуш ўртоғининг танбеҳларини писанд қилмай қўйди. Бозорчи аёлнинг нозиккина бармоқларида жарақ-жарақ пул айланавергач жуда ҳаволаниб кетди. Қадди-қомати келишган, чиройда бошқалардан қолишмайдиган, энг муҳими, пули бор Гулчеҳрага гап отувчи ишқибозлар ҳам кўпая бошлади. У бундан мағрурланар, ўзини парилардек ҳис этарди. Уни бозорчи танишларидан ташқари, айрим харидорлар ҳам тушликка ёки кечки овқатга таклиф этиб туришарди. Йигитлар билан базм қилиш Гулчеҳранинг жону дилига айланди.

Бир куни Гулчеҳрани ёш йигит Расул чақириб қолди. Улар кафега кириб бир шишани «йиқитишгандан» сўнг бир-бирларига суйкалиша бошлашди. Гулчеҳра боласи

қатори йигитнинг қилиқларидан сесканмай ўзини унга тугиб берди.

Нариги столда тамадди қилаётган 3-4 аёл «турқинг курсин» дегандек туриб кетишди. Шу-шу улар ўртасида яқинлик бошланди.

Гулчеҳра шарқ аёлларига хос ибод, ҳаё, андиша сингарии муқаддас туйгуларни бутунлай эсидан чиқариб қўйди. Улар кейинчалик аёлнинг уйида базм уюштирадиган бўлишди. Бу воқеа тез орада катта шов-шувга айланди. Гулчеҳранинг фарзандлари маҳаллада бош кўтариб юролмади.

қолишди. Уч-тўрт нурунийлар Гулчеҳрага насихат қилишганди, бетини сидириб:

— Ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмасин, ўзим ишлаб пул топаяпман. Қандай яшашни ҳам ўзим ҳал қиламан, — деди.

Гулчеҳранинг катта ўғли Қосим номусга чидолмай:

— Она, ўртоқларимнинг олдида уялаяпман. Маҳалладагилар бизга ёмон кўз билан қарашяпти, — деди.

— Ранги ўчиб кетган костюм кийиб юрганнинг уял-

масмидинг, яшшамагур. Топиб келаётган пулларим кутуртирдими? Ўша бери икки бўлмайдиган отанг ўргатдими бу гапларни?

Гулчеҳра оғзига келганини қайтармай бобиллаб, қарғаб, ўглини ҳақоратлади.

Қосим бир умр далада ишлаб, болалари учун куймала-надиган отасини ўйлади. Отаси хотинининг дастидан бош кўтаролмай даладан бери келмасди.

Орадан кўп ўтмай Гулчеҳра яна Расулни уйига етаклаб келди.

— Озгина ҳисоб-китоб ишларимиз бор,

— деди ўғлининг авзойини кўриб.

Лекин балоғат ёшига етган ўғли ҳамма нарсани тушунарди. Аламини ичига ютиб, кўчага чиқиб кетди. Бир соатлар ўтиб, уйга кирди. Ичкарига бош суқди-ю, ҳайратдан ҳушини йўқотаёзди. Қараса, онаси бозорчи йигит билан бир ўринда ётибди. Унинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Бориб ўтинхонадан болтани олганча чопиб уйга кирди...

Дониёр ТУЙҒУНОВ.

— Ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмасин, ўзим ишлаб пул топаяпман. Қандай яшашни ҳам ўзим ҳал қиламан...

Кичикларга раҳм-шафқат, кексаларга ҳурмат-эътиборда бўлиш миллий қадриятларимизнинг асрлар давомида улуғланиб келинаётган ўзаги ҳисобланади. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш ҳукумати-мизнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Президентимиз ва ҳукулатимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида шундай ҳақиқат, пенсия ва нафақалар ўз вақтида тўланапти. Ўз навбатида фақат ўз нафси ва ҳамёнини ўйлайдиган, нақд пул тушумларини банкка топширмайдиган, солиқларни яшириб ёки тўловни асосиз пайсалга солаётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Поп Наманган вилоятидаги катта туманлардан биридир. Пенсия ва нафақа олувчилар 18 минг нафардан ортиқ. Бу туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта-алоқа тармоғи ходимлари зиммасида улкан масъулият борлигини билдирди. Нақд пул ва бошқа омонатларни эгаларига етказишда 22 та алоқа бўлими ходимларининг меҳнатини эътироф этмасдан бўлмайди. Улар орасида билдирилган ишонччи оқлаб, ҳурмат-эътибор қозонганлар кўпчиликти ташкил қилади. «Тўда» қишлоқ алоқа бўлими бошлиғи Муқимжон Низомидинов, хабарчилар Бозорбой Абдуллаев ва Эргашали Ҳақимовлар ҳам авваллари ана шундай қишлоқ жумласига кирар эди. Уларни қишлоқ аҳли яхши танирди. Тўй-маъракаларда тўрдан жой беришса, қариялар кўришганда дуога қўл очардилар. Аммо уларни шайтон йўлдан алаштиради.

— Ҳизмат вазифамга алоқа бўлинмаларида почта жўнатмаларининг тариф бўйича тўғри ҳақ олинганлиги ва пул маблағлари эгаларига етиб боришини назорат қилиш кириди, — дейди туман почта-алоқа тармоғи тафтишчи-йўриқчиси Л. Абдуллаев. — Режа асосида текширув ўтказиш учун «Тўда» алоқа бўлинмасига бордим. Соат 8.00 дан 11.00 гача кутсам-да, мутасаддилардан дарак бўлмади. Шу пайт бир мўйсафид келиб қолди.

— Ўғлим, тумандан келган бўлсангиз, ўтган ойнанинг пенсиясини қачон берасизлар? Мана бу ой ҳам охираб қолди-ку, — деб сўради у.

— Отахон, янглишаётган бўлсангиз керак, ўтган ойнанинг пенсиялари алақачон бериб бўлинган, ҳозир ушбу ойнаки бериляпти.

— Бошқа жойда шундайдир, биз ҳам шунга ҳайронмиз-да ўғлим. Бу ҳақда маҳалла оқсоқолига ҳам айтганмиз, пенсиясини олмаган фуқаролар кўп...

Отахоннинг гапига ишониб-ишонмаган Л. Абдуллаев маҳалла фуқаролар йиғини идорасига йўл олди. Раис йўқ экан, котиб унинг қўлига 5 нафар фуқаронинг рўйхатини тутқазиб, «яна бўлиши мумкин», деди. Тафтишчи котибга эртага пенсия пулини олмаган фуқароларни тўплашни айтиб, воқеа ҳақида туман почта-алоқа тармоғи бошлиғи Ў. Норматовга хабар берди. Эртасига идора олдида яқунланган ойнанинг пенсия ва нафақа

тармоғидан тўлов варақалари орқали олиб келган 3 млн 461 минг сўмни «енг ичига» яширди. Аммо тўлов варақаларини туманга қайтариш ва бунинг учун нафақа ва пенсия олувчиларнинг имзолари бўлиши шартлигини ўйлаб, хабарчилар — Бозорбой Абдуллаев ва Эргашали Ҳақимовларга ўз режасини баён қилди. Бошлиққа сўзсиз итоат этувчи хабарчилар фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштиришди. Тумандагиларга «пенсия ва нафақа пуллари тарқатиб бўлинди», дея ҳисобот топширган М. Низомидиновга ҳеч ким шубҳа билдирмади.

Кўз очиб юмгунча улар бу ишнинг ҳадисини олишди. Нафси ҳақалак отган учовлон 2 ёшгача фарзанди учун нафақа олувчи 70 нафар аёлга берилиши лозим бўлган пулларни ҳам ўзлаштириб юборишди. На каттанинг, на кичикнинг ҳақидан кўрқмаган мунофиқлар қарийб беш миллион сўмлик маблағни жигилдонга ургандилар. Поп тумани почта-алоқа тармоғи томонидан фуқароларга етказилган зарар дарҳол тўланди.

Ўз мансабини суистеъмол қилиб, ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиш ва бошқа бир қатор жиноятларни содир этишда гумон қилинган М. Низомидинов айбига тўлиқ иқроор бўлиб, етказилган зарарнинг 1 млн. 900 минг сўмини қайтарди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айблов эълон қилинди. Хабарчилар Бозорбой Абдуллаев ва Эргашали Ҳақимов ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир нечта моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликлари исботланди. Ҳар учала мунофиқнинг қилмиши суд томонидан баҳолашиб, тегишли жазога ҳукм қилинди. Зарарнинг қолган қисми ҳам ундириладиган бўлди.

Омонатга хиёнатнинг оқибати шундай яқун топди. Лекин унинг келиб чиқиши бизни мулоҳаза қилишга ундади. Ёшларни ёшлиқ қилибди, дейиш мумкин. Аммо кўпни кўрган, оқ-қорани, яхши-ёмонни ажрата оладиган фуқароларни жиноят қилишга нима мажбур этди?! Наҳотки улар хиёнат қила туриб, «ҳамқишлоқларим юзига қандай қарайман?» деб ўйламадилар.

Ботиржон КўЧҚОРОВ,
майор.

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

пулларини олмаган 63 нафар фуқаро тўпланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси туман почта-алоқа тармоғи бош ҳисобчиси М. Ҳасановага кўнғироқ қилганида, пенсия ва нафақалар тўла тарқатилгани, бу ҳақда ҳисоботлар қабул қилиб олинганини билдирди. Бошлиқ воқеага ойдинлик киритиш мақсадида муовини И. Жўраев ва ходим И. Исроиловни текширувга жўнатди. Туман ижтимоий таъминот бўлимининг масъул ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиши идораси вакиллари етиб келишиб, масалага аниқлик киритишди. Фактлар тасдиқланиб, алоқа бўлими бошлиғи ва икки хабарчига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ҳамқишлоқлари ишончини қозонган уч нафар шахс ўзаро жиноий тил бириктириб, қариялар ҳамда норасида гўдакларнинг ҳақиқа хиёнат қилгандилар.

Аслида «ташаббус» бошлиқдан чиққанди. «Кўлингдан жарақ-жарақ пул ўтсаю, нафи бўлмаса» дея ҳаёлдан ўтказди у. Кўзини чирт юмиб, туман почта-алоқа



СОҒЛОМ ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ — ЧЕКМАНГ

Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича чекиш ҳар бир инсоннинг наслига салбий таъсир қилар экан. Энг ёмони шундаки, тамаки тутунининг асорати бир неча йилдан кейин ҳам билиниши мумкин. Масалан, соғлом фарзандни дунёга келтирган онанинг қизидан туғилган фарзандида, яъни неварасида бувисининг ютган тутунлари таъсир остида юрак-қон томири фаолиятида нуқсон бўлиши аниқланган.

Шунинг учун соғлом фарзанд кўришни истаган аёл, энг аввало, ўз танасини никотиндан тозалаш лозим. Эркакларда сперматозоидлар таркиби ҳар уч ойда янгилашиб турса, аёллардаги тухумдонларнинг таркиби бир неча йил давомида ўзгармаслиги

аниқланган. Чекувчи аёллар ҳомиладорлик пайтида кўнгил айнаши узоқ вақтгача давом этади. Боланинг вазни меъридан кам бўлиб ёки вақтидан олдин ёхуд бола бирор бир камчилик, нуқсон билан туғилишига ҳам аёлнинг чекиши сабабдир.

Чекадиган аёлнинг бир литр кўкрак сутида 0,5 миллиграммгача никотин борлиги аниқланган. Шу боис, она сутининг таъми бузилиб, бола эммай кўяди. Сигаретдан чиқадиган тутун таркибидаги радиоактив полоний моддаси кашанданинг танасида саратон хасталиги пайдо бўлишига олиб келаркан.

Соғлом фарзанд кўришни истаган аёл камида бир йил олдин чекишни ташлаб, ўз танасини никотин ва токсинлардан тозалаш, кейин ҳомиладор бўлиши лозим.

Кунига бир қути сигарет чекадиган аёлнинг танасини никотин ва токсинлардан

батамом тозалаш учун камида беш йил вақт керак экан. Аёллар чекишга муккасида кетмасдан қуйидаги маслаҳатларга риоя қилсалар ёмон бўлмасди...

- Кўп чекувчилар кунига камида 1 литрдан сув ичишлари шарт. Бу танадаги токсинлар чиқиб кетишини тезлаштиради. Шу билан бирга буйрак фаолиятини яхшилаб, сийдик таркибидаги никотинларни камайтиради.

- Сигаретнинг охириги қисмида тутунни қуюқлашиб, зарари ҳам

кучаяди, шунинг учун охиригача чекмасдан ярмидан ташлаб юборинг.

- Спортнинг энгил турлари билан шуғулланиб туринг.

- Ментолли сигаретлардан асло фойдаланманг. Сабаби, ментол токсин моддаларини янада кучайтириб юборади. Оқибатда унинг таркибида тана-

ни емирувчи моддалар пайдо бўлади.

- Кўпроқ ҳўл мевалар, полиз экинлари, сабзи, шолғом, саримсоқпиёз ва апельсин истеъмол қилинг.

- Иложи борича кўпроқ кўк чой ичинг. Айнан кўк чойнинг таркибида ўпка йўллари никотин ва токсинлардан тозаловчи моддалар бор.

Тимур РЎЗИМАТОВ.



Мўмиё доривор модда сифатида шарқ табобатида уч минг йилдан буён маълум. У Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда кенг қўлланилган.

Мўмиё юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, «танани сақловчи» деган маънони англатади. Ўзбек тилида «мўмиёнасил», Бирмада «тоғ қони», Мўғлистонда «бароқ шун», хунза тилида «тоғ асали», Сибирь ва Олтой ўлкасида «тоғ мойи» деб юритилади.

Мўмиё табиат томонидан бизга тайёр ҳолда инъом этилган. Унинг қандай ҳосил бўлганлиги борасида аниқ бир фикр, маълумот йўқ. Олимларнинг айримлари турли хил ҳайвон, ўсимлик маҳсулотлари деб атаса, баъзилари нефтдан, арча ширасидан ҳосил бўлади дейишади. Бироқ бу тахминлар илмий жиҳатдан тўлиқ исботланмаган.

Унинг табобатга кириб келиши ҳақида жуда кўп афсоналар мавжуд. Жумладан, ҳақим Муҳаммад Хусайинхон Алавийнинг «Махзан ул-Адвия» китобида қуйидаги воқеа келтирилади:

Қадимги Эронда Фаридун деган шоҳ яшаган бўлиб, у бир куни ўз сарбозлари билан шикорга чиқади. Бир жайронни камон ўқи билан ҳам умуртқа, ҳам оёғидан яралайди. Жайрон ҳалқоб-ҳалқоб қон қолдириб аранг

камон ўқи чиқиб турган жайронни кўрибди. Жонивор ҳеч нарса бўлмагандек ўтлаб юрган экан. Уни бир амаллаб қўлга олган сарбозлар жароҳат атрофи қандайдир ўткир хидли, мумсимон модда билан ёпилганини кўришибди. Шунда ҳайратга тушган Фаридун ўз олимларига ўша моддани текшириб кўришни буюрибди. Шу тариқа мўмиё тиббиёт оламига кириб келган экан.

Мўмиё Марказий Осиё тоғларида, уч минг метр баландликдаги тошлар орасида кўпроқ учрайди. Мўмиёнинг ҳақиқийлиги ва сифатини аниқлашнинг турли усуллари бор. Булардан энг қулайи қўлда бироз эзилади. Мўмиё яхши бўлса тез юмшайди, аксинча бўлса, қаттиқлигича қолаверади. Унинг ранги турлича, қора, сариқ-кўнғир, ялти-

МЎМИЁ — ТАҒГА ДАВО

бир горга кириб кетади. Шоҳ ва сарбозлар эса горга киришга юраклари бётламай орқага қайтишади. Бир ҳафтадан сўнг Фаридун яна овга чиқиб, елка ва оёғидан

роқ бўлади. Таъми аччиқ ва ўзига хос ҳидга эга. Қирқ йилгача ўз кучини сақлай олади.

Мўмиёнинг кимёвий таркиби яқин йилларгача яхши ўрганилмаган эди. Ўзбекистонлик ва тожикистонлик олимларнинг илмий изланишлари натижасида унинг физикавий ва кимёвий хоссалари аниқланди. Умумий тажриба маълумотларига кўра, мўмиёнинг таркиби органик алюминий, темир, калций, қўрғошин, магний, натрий, стронций, бериллий, ванадий, кумуш, висмут, кобальт, хром, молибден, углерод, рух, водород, азот каби микроэлементларга бой экан.

Швед олимлари мўмиёдан ДНКни ажратиш олиб, бактерияга кўчириб ўтказишга муваффақ бўлишди. Бундай операциянинг аҳамияти катта. Чунки, ДНК-дезоксирибонуклеин кислотаси генетик ахборотни ифодаловчи ҳисобланади. Шу йўсинда олимлар бундан 2400 йил муқаддам яшаган одам организмидаги ўзгаришларни ўрганиш ашёсига эга бўлдилар. Мўмиёланиб, яхши сақланган таналар сайёраамизнинг кўплаб жойларидан топилмоқда.

Эндиги гап хасталикларни мўмиё билан даволаш хусусида. Мўмиё бутун организмга, айниқса, юракка қувват бахш этади. Киши заҳарланганда, меъда-ичак, бўғим, суяк оғриқларида, дудуқланишда яхши наф беради. Юқори нафас йўллари касалликлари, астма, ангина, қон туфлаш, ҳазм йўли тракти, буйрак, жигар каби аъзоларни даволашда қўлланилади.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз асарига: «Чиққан, синган, йиқилган, урилганда мўмиёни оғриққа қарши ичирилса ва суртилса фойдалидир. Бошнинг бир томон ярми оғригига, совуқ бош оғригига ва айланишига фойда қилади. Қулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридидаги мўмиёни гул ёғи ва гўра узумнинг суви билан кўшиб, илиқ ҳолда ишлатилади. Йўталганда чилонжийда ва арпа суви билан уч кун кетма-кет наҳорга ичилади», деб ёзади.

Табобатда мўмиё ҳиқичоққа қарши петрушка уруғининг қайнатмаси билан ичилади. Пешоб йўли ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир. Бунда мўмиё сут билан истеъмол қилина-

ди. Чаён чаққан жойга сариёғ билан суртилади. Шунингдек, қон томирлари деворларининг ўтказувчанлигини оширади, бунинг натижасида қон томирлари касалликларининг олди олинади. Унинг шифобахшлиги яна шундаки, куйган териға, синган суякка беқийс даводир. Бунда у бириктирувчи тўқималарнинг фаолиятини уйғунлаштиради ва бемор тез кунда тузалади. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари, юқумли касалликларни даволашда ҳам мўмиёдан кенг фойдаланилади.

Машҳур табиб Муҳаммад Ҳоди Абу Кайли Ҳодихон Муҳаммад 35 мг мўмиёни тоза атиргул ёғи билан аралаштириб, унга сирка кўшиб қулоққа томизишни тавсия қилган. Бу дори оқайтган йирингни тўхтатади.

Лекин мўмиё фойдали экан деб уни пала-партиш, кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани сингари мўмиёни қўллашнинг ҳам чегараси бор. Ундан фойдаланишда шифокор маслаҳатига амал қилиш лозим.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Тўй — ўзбекининг хонадони учун байрам дегани. Негаки, шу кунни кўни-қўшиллар, қариндош-уруғ ва ёру биродарлар тўй эгасининг қувончига шерик бўлиш учун йиғилишади.

Садриддин ака Курбонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) тўнғич ўғли Акмални уйлантириш учун кўндан буён тайёргарлик кўриб келарди. Мана бугун яхши ниятлар билан эл олдига дастурхон ёзаяпти.

Наҳорги ошга таклиф қилинган меҳмонлар биринкетин кириб кела бошлашди. Куёвнинг яқин дўсти Низомжон ҳаммадан илгари етиб келди.

— Табриклайман, оғайни, бахтли бўл, — деди у Акмал билан кучоқ очиб кўришаркан.

Акмал «рахмат», дегандек бош ирғади ва Низомга деди:

— Сени кутаётгандим, яхши етиб келдингми? Бугун тўйни ўзинг бошқарасан, хўпми?

Бунга жавобан Низомжон кўлини кўксига кўйиб хизматга киришди. Аввалига катта савоварда чой қайнатди. Шу аснода ошпазга ҳам кўмаклашди. Кейин эса меҳмонларга чой етказиб турди.

Акмалжоннинг эрталабки илтимоси билан никоҳ кечасида Низомжон ўртакашлик қилди. У илгари ҳам бир-икки оғайнисининг тўйида ўртакашлик қилгани учун ўзига топширилган вазифани удалашда қийналмади. Аммо кеча ниҳоясида...

Тўйга куёвнинг кўшни Тағоб қишлоғидаги танишлари Шавкат, Азамат, шунингдек, тўйхонадан икки чақирим нарида яшовчи Ёдгор исми йи-

гит синфдошлари билан ташриф буюришганди. Кеча айна қизиган маҳалда ширакайф

йигитлар Ёдгордан ўзини босиб олишини илтимос қилишди. Ёдгор бўлса низо чиқариб, иккаласини кўчага бошлади. Низомжон уларнинг жанжалини бостирмоқчи бўлди. Лекин айна пайтда давранан узоқлашолмасди. Шунинг учун йигитларнинг ортидан кўчага чиқолмади. Бир пайт Азамат тўйхонага чап юзи қонга беланиб, қайтиб кирди. Уни кўрган Низомжон бу Ёдгорнинг иши эканлигини тушун-

гидаги пичоқни олиб унинг кўкрагига санчганди.

Оғайнилари билан бири дарҳол Ёдгорни шифохонага олиб борди. Бироқ барча саъй-ҳаракатлар зое кетди. Ёдгор ҳеч қанча вақт ўтмай жон таслим қилди. Мана шу тариқа келин-куёвга энг эзгу тилаклар билдирилиб бошланган тўй азага айланди.

Шу ўринда жиноятнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ягона омил — ичкилик хусусида айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтсак. У энг разил ва мудҳиш оқибатларга олиб келишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бироқ ҳадеганда бу ҳақиқатни тан олгимиз келмайди. Ёдгор Жумаев ҳам нафсига эрк бермай Низомжоннинг сўзларини тўғри қабул қилганида воқеа бу қалар жиддий тус олмаган бўларди. Ичкиликнинг энг хавфли томони, у кишини ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган ҳолатга солиб қўйишидир. Низомжон ҳам худди шу кўйга тушиб қолди. Акс ҳолда шайтонга ҳай бериб, рақибдан бироз паст келиши ва шу орқали жанжални тинч йўл билан бостириши мумкин эди.

Хулоса шуки, ким нафс амри билан ичкиликка бўйин эгса, эртами-кечми албатта унинг касрига гирифтор бўлади. Шундай экан, имкон қадар ундан тийилиб, ҳаётимизни хотиржамликда ўтказишга нима етсин?

Исломжон НУРАЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Ўзбекистон тумани судининг
раиси.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист.

АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

Ёдгор Низомжонни имлаб ёнига чақирди.

— Бизга битта ароқ келтириб беринг, — деди у.

— Тўйга атаб олинган ичимликларга Акмалнинг қариндоши Сиддиқ ака бириктирилган. Унинг рухсатисиз мен ҳеч нимага теголмайман, — узр сўради Низомжон.

Бироқ унинг сўзлари кайфи ошиб бораётган Ёдгорнинг гашини келтирди. У Низомжонга еб қўйгудек бўлиб хўмрайди-ю, ҳеч нима демади. Аммо бироз вақт ўтиб, даврда ўйинга тушаётганда Низомжондан аламини олди. Яъни, у бир даста эллик сўмлик пулни Низомжоннинг боши узра сочиб, мазах қилди. Меҳмон

ди. Худди шу маҳал Садриддин ака келин-куёвга оқ фотиҳа бериб, тўйни яқунлади. Кеча давомида Низомжон ҳам синфдошлари ва куёв билан ароқ ичиб, яхшигина маст бўлиб қолганди. Шунинг учун у ташқарига чиқиб, дабдурустан Ёдгорнинг гирибонидан олди.

— Меҳмонни нега хафа қилдинг?

Унинг тўсатдан қилган ҳаракати Ёдгорнинг қонини қайнатди. У бор кучи билан Низомжоннинг юзига мушт туширди. Бу зарбдан Низомжон қалқиб, ерга йиқилди. Ёдгор иккинчи бор унга ташланди-ю, аммо ҳеч нарса қилишга улгурмади. Чунки мушт еб, жаҳл отига минган Низомжон ён чўнта-

КИССАВУРЛАР

Бир киши донишманддан сўрабди:

— Қандай одамни подон дейиш мумкин?

— Бир марта қилган хатосини яна такрорлаган кишини.

Афсуслар бўлсинки, кейинги пайтда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг баъзилари жазо муддатини ўтаб бўлгач, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна такрор жиноят содир этиб, суднинг қора курсисига ўтирмоқдалар. Масалан, Андижон шаҳрида яшовчи Илҳом ўғирлик қилгани учун жазога тортилиб, Амнистияга биноан афв этилган эди. Лекин у ўзига берилган бундай имкониятнинг қадрига етмади. У бирон жойда фойдали меҳнат қилиб, оиласига ёрдам бериш ўрнига киссавурлик билан шуғулланди. Бу жинойишга вояга етмаган Жўрабекни ҳам жалб этди.

Кунларнинг бирида икковлон одамлар билан ҳаммиша гавжум бўладиган Андижон шаҳридаги «Янги бозор»да «ов» қилмоқчи бўлишди. Уларнинг эйтиборини қишлоқдан келган Шавкат Муродов тортди. Унинг олдига келган киссавурлар жиддий оҳангда:

— Сени уч кундан буён кутяпмиз. Кимнингдир ортидан соядек юриб, кузата-

япсан. Ҳойнаҳой, унинг чўнтагига тушишни мўлжаллаяпсан. Қани, хужжатларингни кўрсат-чи! — дейишди.

Умрида бундай дағдаға эшитмаган Шавкат чўнтақларини пайпаслаб кўра бошлади, фуқаролик паспорти билан бир таҳлам пул чиқди.

Худди назоратчилардек паспортнинг варақларини кўздан кечираётган Илҳом Жўрабекка имо қилди. У шуни кутиб тургандек Шавкат чўнтагига солган 8 минг сўм пулни сездирмай олиб қўйди. Паспортини қайта-



риб олган

Шавкат хариди учун пул бермоқчи бўлгандагина уни ўғирлатиб қўйганини билди ва бу ҳақда профилактика инспекторига маълум қилди.

Ўғирланган пулни ишлатиб бўлган ҳамтоволар эртаси кунни яна бозорга келишди. Уларнинг бу сафарги ўлжаси Андижон туманида яшовчи Мавлуда Қосимова бўлди.

— Сумкасини маҳкам ушлашдан пули кўпга ўхшайди, — деди Илҳом Жўрабекка.

Мавлуда нон сотиладиган раста ёнига келганида Жўрабек:

— Опажон, юбкангизга лой тегибди, — дея уни чалғитди.

Нотаниш овозга парво қилмай кетаётган Мавлудани атир-упа сотиладиган раста ёнида Илҳом тўхтабди:

— Опажон, кийимларингизга лой сачраб кетибди, — деди.

Мавлуда орқасига қайрилиб, кийимларига разм солаётган пайтда киссавурлар унинг сумкасини рўмолчага ўралган 17 минг сўм пулни ўғирлаб кетишди.

Бундан ҳанг-манг бўлиб қолган аёл бозордаги профилактика инспекторига хабар берди.

Киссавурларнинг бўй-баста, кўриниши, юз тузилиши ҳақида жабрланувчи М. Қосимованинг кўрсатмаси асосида тезкор қидирув ва суриштирув ишлари олиб борган ички ишлар ходимлари Илҳом билан Жўрабекни эртаси кунни навбатдаги жиноят устидан қўлга олдидилар.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида ушбу жинойиш ишчи кўриб чиққан суд Илҳом Маҳмудовни беш ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Вояга етмаган Жўрабек эса бир йиллик ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди.

Азизхон БУЗРУКОВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сирдарё вилояти Гулистон тумани ИИБ томонидан 1987 йилда туғилган **Гулнора Тоҳировна ЮСУПОВА** қидирилмоқда. Гулистон туманида яшаган:



2005 йил 14 августда уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, юзи думалоқ, ўртача гавдали, сочи, қошқўзлари қора, қисик.

Кийимлари: эғнида кўк рангли кўйлак, кўк рангли шим бўлган.

Г. Юсуповани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Гулистон тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ томонидан 1977 йилда туғилган **Тельман Миркомил ўғли ЯМШИТОВ** жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда.



Қўрғонтепа туманидаги «Савай» ширкат хўжалигида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, соч, қошқўзлари қора, қисик, лаблари ингичка.

Т. Ямшитовни кўрган ёки билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Қўрғонтепа тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ

АНИҚЛАНМОҚДА

Шу йил 1 февраль кунни темир йўлнинг «Самарқанд — Улугбек» бекатлари ораллигидаги 3727-чақиримда эҳтиётсизлиги туфайли поезд тагида қолиб, воқеа жойида ҳалок бўлган 40-45 ёшлардаги номаълум эркак кишининг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: бўйи 170 см, ўртача гавдали, сочи қора.

Кийимлари: эғнида қора рангли камзул, тўқ-кўк жемфер, оқ рангли синтетик матодан тикилган кўйлак, қора рангли шим, кулранг ички иштон, оёғида 42 ўлчамли қора туфли бўлган.

Номаълум шахсни таниган ёки билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Самарқанд транспорт ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

2006 йил 10 март кунни тунги соат 03.00 атрофида «Гулистон — Тошкент» автомобил йўлининг 90-чақиримида фуқаро Фармон Ҳамидов ўзининг «Мерседес-Бенц» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб йўлни кесиб ўтаётган 40-45 ёшлардаги эркак кишини уриб юборди. Шахси номаълум киши воқеа жойида ҳалок бўлади. Сирдарё тумани ИИБ томонидан унинг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: ўрта бўйли, юзи тўлача, сочи қора, оқ оралаган, сийрак, кўзлари қорача, кулоқлари катта.

Алоҳида белгилари: юқори чап тарафдаги 5,6,7-тишлари йўқ. Чап қўли билагининг юқори қисмида «Она» ва араб ҳарфидаги ёзувлар бор.

Кийимлари: эғнида кулранг пахтали камзул, қора жинси шим, йўл-йўл трико, оёғида резина этик бўлган.

Номаълум шахсни билган ёки таниганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Сирдарё тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Республика ИИБ ППХ ВА ЖТСББ ҳузуридаги алоҳида милиция батальони раҳбарияти ва шахсий таркиби батальон ходими, катта лейтенант **Зухриддин ПУЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма экспертиза-криминалистика бўлими эксперти, катта лейтенант А. Муродовга отаси **Тўракул МУРОДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия-изҳор этадилар.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби, мактаб фахрийси, истеъфодаги полковник **Юрий СУПРЯГИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ ЁХББ ва Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Юрий СУПРЯГИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 2006-2007-ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига ўрта, ўрта-махсус маълумотга эга, мактаб, лицей, коллежларнинг битирувчи синф ва курсларида таҳсил олаётган, соғлигининг ҳолатига кўра Академияда ўқиш учун, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ, деб топилган ҳамда танловдан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлганларнинг ҳужжатлари биринчи навбатда расмийлаштирилади.

ИИВ Академиясига бўйи 170 см. дан паст бўлмаган йигитлар ҳамда бўйи 160 см. дан паст бўлмаган қизлар қабул қилинадилар.

Ажратилган қабул ўринларининг 5 фоизига қадар турмушга чиқмаган ва фарзандлари бўлмаган қизлар қабул қилинади. Қизлар учун танлов алоҳида республика миқёсида вилоятларга бўлинмаган ҳолда ўтказилади. Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ҳамда ички ишлар идоралари сафдор ва сержантлар таркиби ходимларининг ёши 17 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Академиясига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайдилар.

ИИВ Академиясида ички ишлар идораларининг офицерлар таркиби учун:

- Тергов;
- Жиноят қидирув;
- Жиноятчиликнинг олдини олиш;
- Эксперт-криминалистика


Йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Кўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Тингловчилар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Тест синовлари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган муддатларда ўтказилади.



Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти 2006-2007-ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга, мактаб, лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ва курсларида таҳсил олаётган, соғлигининг ҳолатига кўра Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқиш учун, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ, деб топилган ҳамда танловдан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фуқароларнинг ҳужжатлари биринчи навбатда расмийлаштирилади.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига бўйи 170 см. дан паст бўлмаган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ёши 17 дан 21 ёшгача ҳамда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ёши 18 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайдилар.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ички ишлар идоралари ҳамда ҳарбий қисмлари учун олий ҳарбий маълумотга эга бўлган офицерлар тайёрловини амалга ошириб, қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

- ИИВ кўшинлари тактик кўмондонлиги;
- ИИВ кўшинлари тактик-тарбиявий кўмондонлиги;
- Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция);
- ИИВ корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги;
- Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларидан фойдаланиш техник-муҳандислиги.

Кўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида таҳсил олаётган курсантлар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Тест синовлари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган муддатларда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби 2006-2007-ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга, мактаб, лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ва курсларида таҳсил олаётган, соғлигининг ҳолатига кўра Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқиш учун, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ, деб топилган ҳамда танловдан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республика-

си фуқаролари қабул қилинадилар.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фуқароларнинг ҳужжатлари биринчи навбатда расмийлаштирилади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига бўйи 170 см. дан паст бўлмаган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ҳамда ички ишлар идоралари сафдор ва сержантлар таркиби ходимларининг ёши 17 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига олий

маълумотли шахслар қабул қилинмайдилар.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ички ишлар идоралари учун олий маълумотга эга бўлган офицерлар, ёнғин хавфсизлиги йўналиши

бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Кўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Тингловчилар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Тест синовлари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган муддатларда ўтказилади.

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

СЕРВЕР ВА КОМПЬЮТЕР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендер таклифлари 2006 йил 10 апрель куни соат 17.00дан 10 май соат 17.00гача қабул қилинади.

Манзил: 700070. Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш

бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Тел: 8 10 998 (371) 136-27-82, 152-56-16, 152-30-36

Факс: 8 10 998 (371) 151-23-73,

E-mail: umtvs@uzpak.uz

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2006 йил 1 апрель соат 17.00дан 1 май соат 17.00гача қабул қилинади.


Манзил: 700070. Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Тел: 8 10 998 (371) 136-27-82, 152-56-16, 152-30-36

Факс: 8 10 998 (371) 151-23-73,

E-mail: umtvs@uzpak.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИВ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ

Бosh муharrir Aziz ERNAZAROV

Бosh муharrir o'rinbosari **Murod TILLAYEV**
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: **Sa'dulla SHODIYEV**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Бosh муharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2248. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55716 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.